

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

Тошкент Молия институти

К.НАВРЎЗОВА , Л.МИРЗАЕВА , У.ҒАНИЕВА

**Банкларда бухгалтерия ҳисоби
ва операцион техника**

масалалар тўплами

**ТОШКЕНТ
ИQTISOD-MOLIYA
2008**

Наврўзова К.Н., Мирзаева Л.О., Ганиева У.А. Банкларда бухгалтерия ҳисоби ва операцион техника. Масалалар тўплами. –Т.: «IQTISOD-MOLIYA», 2008, 80 бет.

Ушбу масалалар тўплами «Банкларда операцион техника ва бухгалтерия ҳисоби» фани бўйича республикада биринчи марта тузилган бўлиб, ўз ичига «Банкларда бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш асослари», «Банк баланси», «Аналитик ва синтетик ҳисоб», «Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар, уларнинг ҳисоби ва расмийлаштирилиши» ва «Банклараро ҳисоб-китобларнинг ҳисоби ва расмийлаштирилиши», Касса операцияларининг ҳисоби ва расмийлаштирилиши каби бир қатор мавзуларни олади. Тўпламга мавзулар бўйича масалалар ҳамда иш ўйинлари киритилган.

Масалалар тўплами бакалаврият ҳамда магистратура талабалари учун мўлжалланган.

Тошкент Молия институти қошидаги олий ўқув юртлараро ўқув-услубий кенгашнинг 2006 йил 22 июлдаги қарори асосида чоп этилди.

Такризчилар: и.ф.д., проф. Абдуллаева Ш.З.;
Абдурахмонов И.Х.

1-мавзу: Банкларда бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш асослари. Банк баланси

1-масала

Тижорат банкларининг бухгалтерия ҳисоби қуйидаги баланс ичидаги ҳисобварақлардан фойдаланган ҳолда тузилади:

1. Якка тартибдаги тадбиркорларга берилган қисқа муддатли ссудалар.

2. Айланма кассадаги нақд пуллар.

3. Тақсимланмаган фойда.

4. Марказий банкдаги ҳисобварақлар бўйича фоизли даромадлар.

5. Устав капитали.

6. Банкнинг иморатлари-бинолар ва бошқа иморатлар.

7. Давлат корхоналарига берилган узоқ муддатли ссудалар.

8. Олинадиган дивидендлар.

9. Чет эл капитали иштирокидаги корхоналарнинг талаб қилиб олинadиган депозитлари.

10. Бошқаларга операцион ижарага берилган асосий воситалар.

11. Хусусий корхоналар, хўжалик ширкатлари ва жамиятларнинг талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлари.

12. Девонхона, офис ва бошқа буюмлар харажатлари.

13. Республика бюджети маблағлари.

14. Бошқа банклардан олинган қисқа муддатли ссудалар.

15. Банк томонидан чиқарилган қимматли қоғозлар.

16. Шаҳар, туман бюджети маблағлари.

17. Кўчмас мулкни ижарага беришдан келадиган даромад.

18. Нобанк молия институтларининг муддатли депозитлари бўйича фоизли харажатлари.

19. Давлат корхона, ташкилот ва муассасаларига берилган муддати ўтган кредитлар

20. Жисмоний шахсларга берилган қисқа муддатли ссудалар.

Талаб қилинади:

1. Ҳисобварақларнинг номерларини кўрсатиб ўтинг.

2. Ҳисобварақлар режасининг қайси бўлимида жойлашганини белгиланг.

3. Юқоридаги келтирилган ҳисобварақларнинг мазмунини тушунтиринг.

2-масала

Қуйидаги келтирилган ҳисобварақлардан алоҳида IV ва V бўлимга тегишли ҳисобварақларни ажратиб олинг, уларнинг номери ва номини тўлиқ кўрсатинг.

1. Банк бўлмаган молия муассасаларининг жамғарма депозитлари.
2. Транспорт воситалари.
3. Банк асосий воситаларининг ижарасидан олинган даромад.
4. Бошқа банклардан олинган қисқа муддатли кредитлар бўйича фоизли харажатлар.
5. Овердрафт бўйича харажатлар.
6. Устав капитали.
7. Мижозларнинг аккредитивлар бўйича депозитлари.
8. Банкнинг кредит ва лизинг бериш мажбурияти.
9. Маҳаллий тўловлар бўйича воситачилик харажатлари.
10. Кредитлар бўйича воситачилик даромадлари.
11. Марказий банкдан олинган узоқ муддатли кредитлар.
12. Номоддий активлар.
13. Иш ҳақи.
14. Давлат облигацияларига қўйилган инвестициялар.
15. Республика бюджет маблағлари.
16. Олинадиган дивидендлар.
17. Командировка харажатлари.
18. Мебель, мослама ва жиҳозлар.
19. Захира капитали.
20. Аъзолик бадаллари.

Ҳисобварақларни қуйидаги жадвалга ўсиб бориш тартибида жойлаштиринг

4-бўлимга тегишли ҳисобварақ номи	Ҳисобварақ рақами	5-бўлимга тегишли ҳисобварақ номи	Ҳисобварақ рақами

3-масала

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг ҳамда тижорат банкларининг ҳисобварақлар режасини ўрганиб чиқинг. Олган билимларингизни натижаси сифатида қуйидаги саволларга жавоб беринг.

Талаб қилинади:

1. Нечта асосий ҳисобварақ фақат Марказий банкка тегишли, уларнинг номерларини кўрсатинг.

2. Фақат Марказий банкда ва фақат тижорат банкда юритиладиган субҳисобварақлар бўйича 10тадан мисол келтиринг.

3. Нима учун барча ҳисобварақлар ҳам ҳар иккала банкда баробар юритилмаслигини тушунтириб беринг.

4-масала

Қуйида келтирилган ҳисобварақларнинг ичидан Марказий банк бухгалтерия ҳисобида ишлатиладиган ҳисобварақларни алоҳида, тижорат банкларида ишлатиладиган ҳисобварақларни алоҳида қилиб ажратиб олинг, уларни бўлим номи, ҳисобварақ номери, номлари ва мазмуни кўрсатилган ҳолда қуйидаги жадвалга жойлаштиринг.

№	Бўлим номи	Ҳисобварақлар номери	Ҳисобварақ номи	Мазмуни
			МБда ишлатиладиган ҳисобварақлар	
1 2	Актив	10605	Халқаро валюта фондига аъзолик бадали	А
			Тбда ишлатиладиган ҳисобварақлар	
1 2	Актив	10101	Айланма кассадаги нақд пуллар	А

1. Халқаро андозаларга мос келувчи олтин.
2. Хусусий корхоналар, хўжалик ширкатлари ва жамиятларнинг талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлари.
3. Муомалага чиқарилган тангалар.
4. Марказий банкдаги ҳисобварақлар бўйича олинган фоизли даромадлар.
5. Банклараро ҳисоб- китоблар ҳисобварағи.
6. Марказий банкдаги мажбурий захира ҳисобварағи.
7. Муомалага чиқарилган банкноталар.
8. Нодавлат нотижорат ташкилотларининг талаб қилингунча сақланадиган депозитлари.
9. Тўланиш керак бўлган дивидендлар
10. Бошқа Марказий банклардаги фоизли даромадлар.
11. Чет эл қимматли қоғозлари бўйича тижорат операциялардан келадиган фойда.

12. Давлат корхоналарига берилган узоқ муддатли ссудалар.
13. Иш ҳақи бўйича харажатлар.
14. Республика бюджет маблағлари.
15. Вилоят бюджети маблағлари.
16. Тақсимланмаган фойда.
17. Ташкил этилган устав капитали.
18. Юридик хизматларни тўлаш.

5-масала

Қуйидаги АТ «Пахта банки» филиалининг асосий ҳисобварақлари бўйича баланси келтирилган. Баланс кўрсаткичларидан фойдаланган ҳолда қуйида келтирилган саволларга ёзма жавоб беринг.

Талаб қилинади:

1. Банкнинг активлари ва пасивлари ҳолатини тавсифлаб беринг.
2. Баланс валютасини аниқланг.
3. Ҳисобварақнинг номини кўрсатинг

10.03.2007 йилга бўлган қолдиқ

Ҳисобварақлар номери	Дебет	Кредит
10100	20205.0	
10300	15495.0	
11300	5470.0	
12500	9780.0	
12700	11790.0	
12900	15400.0	
14500	10943.0	
15100	20000.0	
16500	9000.0	
17300	405.0	
19900	900.0	
20200		24499
20400		28400.0
20600		25000.0
20800		495.0
23200		1200.0
30300		25000.0
31200		800.0
40200		4900.0
42000		8700.0
42200		17580.0
42400		15000.0
44400		7800.0

50100	850.0	
50600	1150.0	
51100	1502.0	
51600	8479.0	
56100	10025.0	
56200	10050.0	
56300	5480.0	
56400	2450.0	

6-масала

Қуйидаги АТ «Саноатқурилишбанк» бўлимларидан бирининг баланс ҳисобварақлари бўйича қолдиқлари берилган. Шулардан фойдаланган ҳолда:

Талаб қилинади:

1. Асосий ҳисобварақлар бўйича банк балансини тузинг ва баланс валютасини аниқланг.
2. Банк балансига тавсиф беринг.
3. Баланс тузиш қоидаларини тушунтиринг.

№	Ҳисобрақамлар	Ҳисобварақлар қолдиғи
1	10101	49545
2	10109	2545
3	10301	17499
4	12501	49750
5	12505	202.4
6	12701	87563
7	12705	45775
8	12901	70000
9	14901	5090
10	16505	17505
11	16509	97546
12	16515	2050
13	16529	48000
14	16535	10900
15	19935	4220
16	20202	62420.
17	20206	89523
18	20210	30400
19	20216	9750
20	20214	60221
21	20412	9600
22	20606	79572

23	21606	4500
24	23206	45985
25	23403	2590
26	23426	15980
27	30303	48710
28	30903	7490
29	31203	15000
30	40205	25043
31	42001	85735
32	42005	25212
33	42201	42405
34	42205	45295
35	42401	29877
36	44001	173203
37	45257	14825
38	50106	17500
39	50111	23615
40	50126	17212
41	50611	20514
42	50616	20725
43	51106	44233
44	56102	44755
45	56114	27004
46	56122	97004
47	56302	11763
48	56406	1729
49	56410	2744
50	56702	42500
51	56710	10510
52	56218	18320

7-масала

6-масалада баланс ичидаги ҳисобварақлардаги қолдиқ асосида асосий ҳисобварақлар бўйича баланс тузиш талаб этилган эди. Юқорида тузилган балансдан фойдаланиб, акционер тижорат "Са-ноатқурилишбанки" ҳисоботини тузинг. Бунда қуйидаги формула-дан фойдаланинг:

$$\text{АКТИВ} = \text{МАЖБУРИЯТЛАР} + \text{КАПИТАЛ}$$

8-масала

Банк турли операцияларни бажариш жараёнида қуйидаги ҳисоб-варақларни ишлатади: 10102, 10101, 20206, 20210, 20412, 12700,

90909, 90944, 56795, 56602, 94500, 13501, 91809, 10301, 93609, 14501, 96351, 30303, 23402, 96309.

Талаб қилинади:

1. Юқорида келтирилган ҳисобварақлар ичидан баланс ичидаги ва балансдан ташқарида жойлашган ҳисобварақларни ажратиб олинг.

2. Баланс ичидаги ҳисобварақларнинг ўзини актив ва passив характердаги ҳисобварақларга бўлиб номи билан биргаликда кўрсатинг.

3. Актив ва passив ҳисобварақларда бухгалтерия ёзувини олиб бориш тартибини тушунтиринг.

4. Баланс ташқарисида жойлашган ҳисобварақларга тавсиф беринг, уларнинг баланс ичидаги ҳисобварақлардан фарқини кўрсатинг.

9-масала

Қуйидаги келтирилган кўрсаткичлар ёрдамида Тижорат банки балансини тузинг:

Баланс валютаси – 71055320.0

Кассадаги нақд пуллар – 5376310.0

Жамғармали депозитлар – 4753156.0

Баланс тузиш учун 10 тагача актив ва passив ҳисобварақлар танлаб шартли суммалар қўйиш тавсия этилади.

10-масала

Қуйидаги саволлар бўйича тўғри жавобларни танлаб олинг. Жавобларни ҳисобварақ номи ва номери кўрсатилган ҳолда «Жавоб» устунида белгиланг.

№	Савол мазмуни	Жавоб
1	Санаб ўтилган ҳисобварақларнинг қайсилари баланс ичидаги ҳисобварақларга киради: <ul style="list-style-type: none">• Чет эл капитали иштирокидаги корхоналарга берилган қисқа муддатли ссудалар• Берилган ссудалар бўйича мажбуриятлар• Айланма кассадаги нақд пуллар• Муддатли депозитлар• Устав капитал	
2	Ҳисобварақларнинг қайсилари актив ҳисобварақ ҳисобланади: <ul style="list-style-type: none">• Муддатли депозитлар• Бюджет харажатлари	

	<ul style="list-style-type: none"> • Йўлдаги пуллар • Хусусий шахсларга ва корпорацияларга берилган узоқ муддатли ссудалар 	
3	<p>Ҳисобварақларнинг қайсилари балансдан ташқарида жойлашган:</p> <ul style="list-style-type: none"> • Солиқлар • Транспорт воситалари • Инкассага олинган маҳаллий векселлар • Овердрафт бўйича контрсчетлар 	
4	<p>Ҳисобварақларнинг қайсилари пассив ҳисобварақларга киради:</p> <ul style="list-style-type: none"> • Бошқа банкларга берилган узоқ муддатли ссудалар. • Бошқа банклардан олинган узоқ муддатли ссудалар • Маҳаллий бюджет ҳисобварақлари • Тўланадиган дивидендлар • Ҳукуматга берилган қисқа муддатли ссудалар 	
5	<p>Ҳисобварақларнинг қайсилари асосий ҳисобварақ ҳисобланади:</p> <ul style="list-style-type: none"> • Марказий банк облигациялари ва қимматли қоғозлари • Сотиб олинган векселлар • Тўланадиган узоқ муддатли ссудалар • Ҳукумат ҳисобварақлари. Даромадлар ва тушумлар • Соғлиқни суғурталаш 	

2-мавзу: Аналитик ва синтетик ҳисоб

1-масала

«Нур» хусусий корхонаси «Капиталбанк» филиалига талаб қилиб олинадиган депозит бўйича ҳисобварағини очиш учун ариза билан мурожаат қилди. Бу корхонага Миллий Ахборот Бош депозиторлар базаси томонидан 284461 хос рақам берилган.

Талаб қилинади:

1. Баланс ичидаги ва балансдан ташқари ҳисобварақлар бўйича аналитик ҳисоб материалларини санаб ўтинг.
2. "Нур" хусусий корхонасига талаб қилиб олинадиган депозит бўйича ҳисобварақ очинг.
3. Ҳисобварақ очиш ва қайд этиш тартибини тушунтиринг.

2-масала

Тошкент трактор ишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан талаб қилиб олинган депозит очиш учун ариза келиб тушди. Талаб қилиб олинган депозит бўйича корхонага ҳисобварақ очилди. Бир неча кундан сўнг мижоз ва банк ўртасида тузилган №12 рақамли кредит шартномасига асосан корхонага ссуда бўйича ҳисобварақ очилди. МАДБ томонидан корхонага берилган шифр – 00457825

1. Тошкент трактор ишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан талаб қилиб олинган депозит бўйича ҳисобварақ очинг.

2. Шу корхонага ссуда бўйича ҳисобварақ очинг ва номерини кўрсатинг.

3. Очилган ҳисобварақларнинг мазмуни, улар бўйича бажариладиган операциялар ва шу операцияларни бажариш тартибини тушунтириб беринг.

3-масала

"Ғалла банки"нинг Юнусобод филиалида 2 - апрелда қуйидаги операциялар бажарилган.(сўм)

1. Пул чекига асосан мижозга иш ҳақи берилди _____ 720000

2. Тўлов топшириғига асосан иш ҳақидан даромад солиғи ўтказилди (тўлаш учун пул етарли) _____ 2950000

3. «Вирта» хусусий корхонаси номига аккредитив бўйича пул маблағлари келиб тушди _____ 9575000

4. Сафар харажатлари учун «Хумо»га банк кассасидан нақд пул берилди _____ 920000

5. «Малика» ишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан ўз вақтида тўланмаган ссуда суммаси қайтарилди ___ 79130

6. «Малика» ишлаб чиқариш бирлашмаси номига бошқа банкдаги мижоздан келган тўлов талабномаси тўланди (тўлов талабномаси №1 картотекадан олинди) ___ 28750

7. «Ёшлик» гўзаллик салони томонидан нақд пул тушуми топширилди _____ 9000

8. Депонентга ўтказилган пул суммаси кирим ордери асосида «Ёшлик» гўзаллик салони томонидан банкка топширилди _____ 2300

9. Солиқ назорати идоралари томонидан «Хумо» хусусий корхонаси номига инкассо топшириғи келиб тушди (топшириқни тўлаш учун пул етарли) _____ 25000

10. «Миллий таомлар» ошхонаси номига солиқ назорати идоралари томонидан инкасса топшириғи келиб тушди (топшириқни тўлаш учун пул йўқ) _____ 17420

Талаб қилинади:

1. Банкларда юритиладиган аналитик ҳисоб материалларини санаб ўтинг ва уларга тавсиф беринг.
2. Юқорида кўрсатилган операциялар бўйича бухгалтерия провдаларини бажаринг.

4-масала

Жорий йилнинг март ойида "Саноатқурилишбанки"нинг Янгиобод бўлимида телефон алоқаси тармоғи учун очилган 20210000900049654005 ҳисобрақам бўйича қуйидаги операциялар бажарилган:

Сана	Қор смет	Ҳужжат номери	Операция номери	Дебет	Кредит	Қолдиқ
Ой бош. қолдиқ.						261400
02.03.07	20210	163	01	35750		225050
04.03.07	20210	164	01	14950		210700
10.03.07	20206	165	01	92500		118200
13.03.07	10301	14	02		49520	167720
16.03.07	10301	068	01		10000	177720
18.03.07	10101	025	03	45000		132720
23.03.07	50106	212	06		5490	138210
24.03.07	20212	166	12	20100		118110
30.03.07	10101	011	03		4300	122410
31.03.07	10301	060	01		12000	154400

Талаб қилинади:

1. Юқорида келтирилган ҳисобварақда кўрсатилган шартли белгилар асосида бажарилган операцияларнинг ҳар бирига изоҳ беринг.
2. Ҳисобварақнинг барча кунлардаги қолдиғи тўғри ёки нотўғри ҳисоблаб чиқарилганини аниқланг.
3. Мижозларга ҳисобварақлардан кўчирмалар тайёрлаб бериш тартибини тушунтириб беринг.

5-масала

Масъулияти чекланган «ЎзДон» кичик корхонасига асбоб-ускуналар сотиб олиш учун 1250000 сўм миқдорида ссуда берилди. Банк ва мижоз ўртасида тузилган кредит шартномасига кўра ссуда 3 ой муддатга 15% миқдорида тўлов тўлаш шarti белгиланди. Ссуда муддат тугагандан сўнг ўз вақтида қайтарилди.

Талаб қилинади:

1. Баланс ичидаги ва ташқарисидаги ҳисобварақлар бўйича керакли аналитик ҳисоб материалларини очиб, улар ўртасидаги фарқни тушунтиринг.

2. Ссуда бериш ва қайтариш бўйича тегишли бухгалтерия проводкаларини бажаринг.

6-масала

"Саноатқурилишбанк" филиалида «Коинот», «Зафар», «Волга», «Омад» каби хусусий фирмалар тугатилди. Корхоналарнинг талаб қилиб олинган ҳисобварақларидан қуйидаги миқдорларда қолдиқ мавжуд эди:

«Коинот» – 1450000 сўм

«Зафар» – 2560 сўм

«Волга» – 49000 сўм

«Омад» – 5200 сўм

«Коинот» ва «Омад» фирмалари ўз пул маблағларини янги ташкил этилаётган давлат акциядорлик корхонаси ҳисобварағига ўз сармоялари билан иштирок этиш мақсадида ўтказадилар. «Волга» ва «Зафар» фирмалари ҳисобварақларидаги қолдиқлар солиқ назорати органлари томонидан давлат бюджетига камомади мавжудлиги сабабли ундириб олинди. Тўртта фирманинг ҳисобварағи банк томонидан ёпилди.

Талаб қилинади:

1. Мижозларнинг ҳисобварақлари қандай ҳолларда ёпилади.

2. Хусусий фирмалар ҳисобварақларининг ёпилиши бўйича бухгалтерия проводкаларини кўрсатинг.

3. Ҳисобварақларнинг номерларини шартли равишда мустақил белгиланг.

3-мавзу: Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар, уларнинг ҳисоби ва расмийлаштирилиши

1-масала

"Ипотека" банки бўлимига 2007 йилнинг 13 - мартида 2 та корхона томонидан талаб қилингунча сақланадиган депозит бўйича ҳисобварақ очиш тўғрисида тегишли ҳужжатлар топширилди. Ҳужжатлар текширувдан ўтказилганидан сўнг «Баҳор» хусусий корхонасига сўмда, «Чевар» қўшма корхонасига долларда юритиладиган валютали ҳисобрақам очилди. Банкка ҳар икки корхона ва банк ўртасидаги ҳисоб-касса хизматини кўрсатиш бўйича шартнома имзоланди.

Талаб қилинади:

1. «Баҳор» ва «Чевар» корхоналари томонидан банкка топширилган ҳужжатларни санаб ўтинг ва ҳар бирини изоҳлаб беринг.
2. Корхона ва ташкилотларга ҳисобварақ очиш тартибини тушунтиринг.
3. Корхоналарга очилган ҳисобварақ номерларини белгиланг.
4. Ҳисоб-касса хизматини кўрсатиш бўйича шартноманинг мазмунини ва аҳамиятини тушунтириб беринг.

2-масала

Парвинабанк филиалида қуйидаги мижозларнинг ҳисобварақлари ёпилмоқда:

а) “Чевар” корхонаси (ҳисобварақ қолдиғи-289750.0 сўм). Касалхона ҳисобварағидаги маблағлар Шаҳар соғлиқни сақлаш бўлими қошида марказлашган бухгалтерия ҳисобварағига ўтказилди. Бухгалтерия ҳисобварағи бошқа банкда юритилади.

Талаб қилинади:

1. Мижозларнинг ҳисобварақлари қандай ҳолларда ёпилади?
2. Ҳисобварақларнинг ёпилиши қандай тартибда расмийлаштирилади?
3. Бухгалтерия проводкаларини кўрсатинг.

3-масала

20210000400291497001-рақамли ҳисобварақ бўйича қуйидаги операциялар ўтказилди.

1. Бошқа шаҳардаги мол жўнатган корхонадан тўлов талабно-
маси тушди.----- 32000.0

2. Хом ашёга пул ўтказиш учун мижоздан тўлов топшириғи ке-
либ тушди.----- 38000.0

3. Пенсия фондига бадалларни ўтказиш учун тўлов топшириғи
топширилди.----- 12900.0

4. Иш ҳақи олиш учун пул чеки топширилди.-----48100.0

5. Ишчи хизматчилар иш ҳақидан ушлаб қолинган даромад со-
лиғини тўлаш учун тўлов топшириғи топширилди.-----21400.0

6. Кредит бўлимининг кредитни муддатдан аввал қайтариш бў-
йича фармойиши берилди.----- 18280.0

Корхона ҳисобварағида кун бошига бўлган қолдиқ 132145.0
сўмни ташкил этади.

Талаб қилинади:

1. Мижозларнинг ҳисобварақлари бўйича амалга оширилади-
ган тўловлар кетма-кетлиги қандай?

2. Тегишли бухгалтерия проводкаларини бажаринг.

4-масала

«Фотон» ишлаб чиқариш бирлашмаси 21 март куни ўзига хиз-
мат кўрсатувчи банк филиалига 35 - номерли 35200.0 сўмга расмий-
лаштирилган тўлов топшириғини топширди. Топшириқномада кўр-
сатилган пул суммаси шу банкда ҳисобварақ очган «Электр жиҳоз-
лари» заводига 20 мартдаги 12- шартнома асосида жўнатилган то-
вар учун ўтказилиши лозим эди. Топшириқнома шу куннинг ўзида
тўланди.

Талаб қилинади:

1. Тўлов топшириқнома реквизитларини санаб ўтинг.

2. Тўлов топшириғини расмийлаштириш тартиби, нусхалар со-
ни тўғрисида маълумот беринг.

3. Бухгалтерия проводкаларини кўрсатинг.

5-масала

Юнусобод “Саноатқурилишбанк” филиалига 15-апрелда «Юл-
дуз» ишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан қуйидаги мол сотувчи
корхоналарга пул ўтказиш тўғрисидаги топшириқномалар берилди:

• (ҳисобварақдаги қолдиқ 299800.0 сўм) 12 апрелда олган маҳ-
сулоти учун

•Текстил комбинатига (ҳисобварағи шу шаҳардаги бошқа банк бўлимида) _____ 198540

• Тугмача ишлаб чиқарувчи хусусий корхонага (ҳисобварағи шу банкда очилган) _____ 12450

Кўшилган қиймат солиғини тўлаш учун Юнусобод солиқ назорати идорасига _____ 8450

•Марғилон ипак фабрикасига _____ 92430

Талаб қилинади:

1. Банк масъул ижрочиси тўлов топшириқномалари бўйича қандай назорат ўтказади?

2. Мижоз ҳисобварағида тўлаш учун пул етарли бўлмаса, топшириқнома банк томонидан қабул қилиниши мумкинми?

3. Топшириқномалар неча нусхада расмийлаштирилган, ҳар бир нусхаларининг ишлатилишини тушунтиринг.

4. Операциялар бўйича барча бухгалтерия ёзувларини бажаринг.

6-масала

“Микрокредитбанк” филиалига қўшма корхона томонидан “Ғаллабанк” бўлимида ҳисобварақ очган корхоналар номига жўнатиш учун 2 та тўлов талабномаси келиб тушди Бу талабномалар инкассога қабул қилинди.

Талаб қилинади:

1. Тўлов талабномасининг реквизитларини санаб ўтинг.

2. Талабномаларнинг нусхалар сонини ва қандай ҳужжат билан банкка тақдим қилинишини айтинг.

3. Масъул ижрочининг тўлов талабномаларини қабул қилиш билан боғлиқ вазифалари нималардан иборат?

7-масала

“Ғаллабанк” бўлимига шу шаҳардаги “Микрокредитбанк” филиалидан қўшма корхона томонидан расмийлаштирилган 2 та тўлов талабномаси келиб тушди. Биринчи талабнома номери -65 110650.0 сўмга “Атлас” давлат корхонаси номига (товарлар учун), иккинчиси - 33 номерли талабнома 91379 сўмга кўрсатилган хизматлар учун “Чевар” хусусий корхонаси номига.

Бундан ташқари, шу банкнинг хизматидан фойдаланувчи “Шуъла” хусусий корхонаси номидан “Кумуш” хусусий корхонаси номи-

га 230000.0 сўмга расмийлаштирилган тўлов талабномаси топширилди. Юқоридаги корхоналарнинг ҳисобварағида тўлаш учун пул етарли. “Кумуш” хусусий корхонасининг ҳисобварағида эса тўлаш учун пул йўқ.

Талаб қилинади:

1. Акцепт бўйича тўланадиган тўлов талабномалари бўйича ҳисоб-китобларнинг мазмунини кўрсатинг.

2. Биринчи картотека ва уни юритилиши тўғрисида маълумот беринг.

3. Юқоридаги операциялар бўйича проводкаларни бажаринг.

8-масала

25 апрель куни Саноат қурилиш банкининг Юнусобод бўлимига “Юлдуз” ишлаб чиқариш бирлашмаси номига “Микрокредитбанк” бўлимидаги хусусий корхонадан иккита тўлов талабномаси келиб тушди.

1. № 21 29845.0 сўм

2. № 24 92600.0 сўм

Тўлов муддати келганда бу талабномаларни тўлаш учун розилик олингандан сўнг ҳар иккаласи тўланди. Бирлашма томонидан шу куни даромад солиғини тўлаш учун 148-номерли 47850.0 сўмлик топшириқнома, олинган товарлар учун 112000.0 сўмга расмийлаштирилган 119-сонли топшириқнома ҳам келиб тушди.

26 апрель кун бошига корхона ҳисобварағида 140000.0 минг сўм маблағлари мавжуд бўлган.

Талаб қилинади:

1. Корхонага талаб қилингунча сақланадиган депозит ҳисобварақ очинг.

2. 25 апрель куни ўтказилган операцияларни бажаринг.

3. 1 ва 2-картотекага тавсиф беринг.

4. Талабномаларни қабул қилиш ва тўлаш бўйича проводкаларни бажаринг.

5. Тўлов топшириқномаларининг ҳаммаси банк томонидан тўландими?

9-масала

Собир Рахимов “Саноатқурилиш” банк филиалига 18 мартда тўлаш учун қуйидаги ҳисоб-китоб ҳужжатлари келиб тушди:

1. Бошқа шаҳардаги “Саноатқурилишбанки”дан 540000 сўмга 4 та талабнома.

2. Шу шаҳардаги “Микрокредитбанк” филиалидан 242000 сўмга 3 та талабнома.

3. “Миконд” заводи номига иссиқлик энергияси учун акцептсиз тўланиши лозим бўлган 92000 сўмлик талабнома.

Банк бўйича 18 мартда “Тўлов муддатини кутаётган ҳисоб-китоб ҳужжатлари” картотекасининг қолдиғи 1920500 сўмни ташкил қилган.

Акцепт муддати тугагандан сўнг барча талабномалар тўланган.

Талаб қилинади:

1. Акцептсиз тўловларнинг мазмунини тушунтириб беринг.

2. Юқоридаги талабномалар бўйича акцепт муддатлари қачон тугашини айтинг.

3. Баланс ичидаги ва баланسدан ташқари бухгалтерия проводкаларини бажаринг.

4. Операциялар бажарилгандан сўнг тўлов муддатини кутаётган ҳисоб-китоб ҳужжатлари картотекасининг қолдиғини ҳисоблаб чиқаринг.

10-масала

10 май куни “Саноатқурилишбанк” Ҳамза бўлимидаги “Шуъла” хусусий корхонаси номига “Саноатқурилишбанки” Мирзо Улуғбек филиалидаги “Электроаппарат” ишлаб чиқариш бирлашмасидан 2 та тўлов талабномаси келиб тушди.

1. № 28 500000.00 сўм

2. № 31 297000.00 сўм

Тўлаш муддати келганда 15 ва 31 -талабномалар тўланди. 17-талабнома бўйича шартнома шартлари бузилганлиги учун тўламаслик тўғрисидаги норозилик аризаси келиб тушди. 31-тўлов талабномасининг пули тўлаш учун етарли бўлмагани сабабли, қисман тўланди (125000.00).

Талаб қилинади:

1. “Электроаппарат” номига келиб тушган тўлов талабномалари бўйича масъул ижрочи қандай йўл тутаети?

2. Норозилик аризаси қандай ҳолларда берилади ва уларда нималар кўрсатилади?

3. Тўлов талабномаси бўйича ҳужжатлар айланиш схемасини чизинг.

4. Баланс ичидаги ва баланс ташқари ҳисобварақлар бўйича бухгалтерия проводкаларини беринг.

11-масала

“Осиё-99” хусусий корхонаси қишлоқ хўжалик машиналари эҳтиёт қисмлари сотиб олиш учун Тошкент трактор ишлаб чиқариш бирлашмаси билан 1250000.0 сўмга шартнома тузди. Шартномага асосан ҳисоб-китоб аккредитив усулида кўзда тутилган. “Осиё-99” хусусий корхонаси Риштон туман “Тадбиркорбанк” бўлимига 1250000.0 сўмга расмийлаштирилган аккредитив очиш учун аризани топширди. Аризага асосан “Осиё-99” хусусий корхонасининг талаб қилинганча сақланадиган депозит ҳисобварағидан Тошкент трактор ишлаб чиқариш бирлашмасига хизмат қилувчи банкка пул ўтказилди.

Талаб қилинади:

1. Аккредитив очиш учун ариза реквизитларини санаб ўтинг ва нусхалар сони, уларнинг ишлатилишини тушунтиринг.

2. Аккредитив очиш бўйича ҳужжатлар айланиш схемасини кўрсатинг.

3. Операциялар бўйича бухгалтерия проводкаларини кўрсатинг.

12-масала

“Миллийбанк”нинг Ромитон бўлимига 10 май куни “Олмос” хусусий корхонаси номига № 38 тўлов талабномаси 100000 сўмга расмийлаштирилган ҳолда АТ “Пахтабанк”нинг Бухоро вилоят бўлимидаги “Файз” қўшма корхонаси номидан келиб тушди. Шу куни “Олмос” хусусий корхонасига ўтказиш учун 85500 сўмлик № 18 тўлов топшириқномаси жўнатилган товарлар учун, шу банк хизматидан фойдаланувчи давлат корхонаси номидан келиб тушди.

Шунингдек, мазкур кунда “Феруз-2” деҳқон-фермер хўжалиги номига шу банк хизматидан фойдаланувчи Давлат солиқ идораси номидан № 10 инкассо топшириқномаси 24500 сўмга расмийлаштирилиб топширилди. Мазкур корхоналарда тўлаш учун пул етарли.

Банкда тўловлар амалга оширилди. Талабнома эса 1-картотекага қабул қилинди.

Талаб қилинади:

1. Тўлов талабномаси бўйича масъул ижрочининг ҳаракатини тушунтиринг.
2. Инкассо топшириқномаси кимлар томонидан топширилади?
3. Юқоридаги тўлов ҳужжатларининг ҳар бири неча нусхада топширилган?
4. 10 май куни банкда ўтказилган барча проводкаларни бажаринг.

13-масала

Тошкент трактор ишлаб чиқариш бирлашмасига хизмат кўрсатувчи Мирзо Улуғбек тумани Саноатқурилиш банки бўлимига Риштон тумани “Микрокредитбанк” бўлимида аккредитив очиш учун электрон ариза келиб тушди. Аризага асосан Тошкент трактор ишлаб чиқариш бирлашмаси номига аккредитив очилди ва унга аккредитив очгани тўғрисида хабар берилди.

Тошкент трактор ишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан белгиланган ҳужжатлар банкка топширилгандан сўнг аккредитив суммаси унинг талаб қилингунча сақланадиган депозит ҳисобварағига ўтказилди.

Талаб қилинади:

1. Аккредитив очиш ва уни Тошкент трактор ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳисобварағига ўтказиш бўйича бухгалтерия проводкаларни бажаринг.
2. Тошкент трактор ишлаб чиқариш бирлашмасига қандай ҳужжатларни банк тақдим қилган.
3. Банк масъул ижрочисининг ушбу операция бўйича ҳаракатини кўрсатинг.

14-масала

“Ардуc” кўшма корхонаси билан “Темпо” хусусий ишлаб чиқарувчи корхона ўртасида 5 май куни хўжалик шартномаси тузилди. Шартномага мувофиқ “Темпо” “Ардуc”га 5000000.0 сўмлик товар етказиб бериши керак. Шартномага асосан аккредитив бўйича ҳисоб-китоб қилиш келишилди. “Ардуc” кўшма корхонасига Тошкент шаҳридаги “Миллий банк”нинг пойтахт бўлими хизмат кўрсатади.

“Темпо” хусусий корхонасига Гулистон шаҳридаги “Микрокредит-банк” бўлими хизмат кўрсатади. 8 май куни “Ардус” 5 млн. сўмга аккредитив очиш тўғрисида ўз банкка ариза топширди. Аризага асосан Миллий банкда пул ўтказиш бўйича “Микрокредитбанк” бўлимида аккредитив очиш бўйича операциялар ўтказилди. Бу ҳақда “Темпо”га хабар берилди. “Темпо” эса 4.0 млн. га товар жўнатиб, бу ҳақда банкка керакли ҳужжатлар тақдим этди. Аккредитив суммаси “Темпо” корхонаси ҳисобварағига ўтказилди.

Талаб қилинади:

1. Аккредитивнинг мазмуни, унинг ижобий ва салбий томонлари ҳақида тушунча беринг.
2. Ҳар икки банкда бўладиган бухгалтерия проводкаларини бажаринг.
3. Масъул ижрочи ҳужжатларни қабул қилишда нималарга эътибор бериши керак.

15-масала

“Микрокредитбанк” бўлими “Темпо” томонидан ҳужжатларни қабул қилгандан сўнг аккредитив суммасини унинг ҳисобварағига ўтказди. Аккредитивнинг ишлатилганлиги ҳақидаги ҳужжатларни Тошкент шаҳридаги Миллий банк бўлимига жўнатди. Миллий банк бўлими “Ардус”га аккредитивни ёпилганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим қилди ва керакли бухгалтерия проводкаларини ўтказди.

Талаб қилинади:

1. “Темпо” ишлаб чиқариш бирлашмасига хизмат кўрсатувчи “Микрокредитбанк” бўлими томонидан Миллий банк бўлимига қандай ҳужжатлар жўнатилди?
2. Аккредитив муддатлари ҳақида нималар дея оласиз?
3. Миллий банкда бажариладиган бухгалтерия проводкасини кўрсатинг.

16-масала

“Ипак йўли” банки бўлимига Чилонзор райони Солиқ назорати органлари томонидан шу банкда ҳисобварақ очган “Турон” хусусий корхонаси номига 29500.0 сўмга инкассо топшириқномаси тақдим қилинди. Чилонзор район Солиқ назорати органларининг

ҳисобварағи Чилонзор райони “Саноатқурилишбанк”да юритилади. Инкассо топшириғи пул йўқлиги сабабли 6 кундан сўнг тўланди.

Талаб қилинади:

1. Инкассо топшириғи қандай ҳолларда ва кимлар номидан тақдим қилинади?

2. Инкассо топшириғи нима учун “Ипак йўли” банкига тўғридан-тўғри топширилган?

3. Инкассо топшириғи нусхалар сони ва уларни ишлатилишини тушунтиринг.

4. Ҳар иккала банкда бўладиган бухгалтерия проводкаларини ёзинг.

17-масала

“Асакабанк” бўлимига 10 апрелда қуйидаги мижозлар номига инкассо топшириғи келиб тушди:

“Виртех” хусусий корхонаси – 245000.0 сўм (Юнусобод Солик органи Юнусобод СҚБ да)

“Олтин Бошоқ” давлат корхонаси – 49560.0 сўм (Чилонзор туман СУД идораси – Чилонзор районида)

“Бекдўст” хусусий корхонаси – 65000.0 сўм (С.Рахимов Солик идораси – С.Рахимов СҚБ да)

“Виртех” хусусий корхонаси – 95800.0 сўм (Сирдарё вилояти Божхона идораси Гулистон СҚБ да)

Бу инкассо топшириқномаларидан биринчи учтаси тегишли идоралар томонидан бевосита “Асакабанк”ка топширилди. Уларнинг ҳаммаси шу кунга тўланди. 95800.0 сўмга “Виртех” корхонаси номига келиб тушган инкассо топшириғи унинг ҳисобварағида пул етмаганлиги сабабли 14 апрелда тўланди.

Талаб қилинади:

1. Инкассо топшириқномалари бўйича ҳисоб-китобларнинг ҳужжатлар айланиш схемасини тушунтиринг.

2. 95800.0 сўмга “Виртех”номига ёзилган инкассо топшириғи банкка қандай йўл билан топширилган?

3. Барча банкларда бажарилган бухгалтерия проводкаларини кўрсатинг.

18-масала

Мирзо Улуғбек Халқ банки бўлимига Исломова Ирода Носировна томонидан шу банкда очган омонатида турган пуллари ҳисобидан 25000.0 сўм мебель магазинига ўтказиш учун чек ёзиб бериш тўғрисида илтимос қилинди.

Шу куни Исаев Нодир Умарович томонидан топширилган 51000.0 сўм нақд пул эвазига автомобиль эҳтиёт қисмлари магазинига ўтказиш учун чек ёзиб бериш сўралди. Ҳар икки мижознинг талаби бажарилди, уларнинг номига ҳисоб чеки ёзиб берилди.

Талаб қилинади:

1. Тижорат банкларининг ҳисоб чеклари қай ҳолларда ишлатилади?
2. Ҳисоб чекининг реквизитларини санаб ўтинг.
3. Исломова И.Н. ва Исаев Н.У. томонидан банкка қандай ҳужжатлар тақдим қилинган.
4. Халқ банкида бажарилган бухгалтерия проводкаларини кўрсатинг.

19-масала

Исломова И.Н. ўз ҳисоб чекини мебель дўконига Исаев Н.У. эса ўз ҳисоб чекини автомобиль эҳтиёт қисмлари дўконига топширди ва тегишли товарларни олишди. Чеклар инкассаторлар томонидан банкка топширилди. Мебель дўконига “Ипак йўли” банки, эҳтиёт қисмлар дўконига Ипотека банки хизмат кўрсатади. Ҳар икки банкда чекдаги суммани тегишли дўконлар ҳисобварағига ўтказиш бўйича бухгалтерия проводкалари бажарилди.

Талаб қилинади:

1. Савдо ташкилотлари томонидан тақдим қилинган чеклар бўйича қандай назорат ўтказилади?
2. Ҳисоб чеклари қандай йўл билан банкларга топширилади?
3. Ҳисоб чекининг амал қилиш муддати қанча?
4. Чек эгаси томонидан йўқотиб қўйилганда қандай йўл тўтилади?
5. Ҳар икки банкда бажарилган бухгалтерия проводкаларини кўрсатинг.

20-масала

Тошкент "Шароб" ишлаб чиқариш бирлашмаси Янгийўлдаги мол етказиб берувчи корхонадан олинган узум ва мева маҳсулотлари учун 300000 сўмга тўлов топшириқномаси топширди. Ишчиларнинг иш ҳақидан даромад солиғини тўлаш учун тўлов топшириқномаси 256874 сўмга расмийлаштирилиб, банкка топширилди. Шунингдек, Булунғурдаги мевачилик ширкат хўжалигидан юборилган хом ашё учун 456254 сўмлик тўлов талабномаси келиб тушди. "Шароб" ишлаб чиқариш бирлашмасининг ҳисобварағи "Ғаллабанк" филиалида очилган бўлиб, унинг кун бошига бўлган қолдиғи—580000 сўмни ташкил этади.

Талаб қилинади:

1. "Шароб" ишлаб чиқариш бирлашмасининг ҳисобварағида барча операцияларни тўлаш учун пули етарлими?
2. Тўловлар кетма-кетлиги қандай тартибда амалга оширилади.?
3. Операциялар бўйича проводкалар тузинг.

4-мавзу: Банклараро ҳисоб-китоб операцияларининг ҳисоби ва расмийлаштирилиши

1-масала

“Пахтабанк”нинг операцион бўлимига “Омад” хусусий корхонаси томонидан 3 та тўлов топшириғи топширилди.

1. 29800.0 сўмга расмийлаштирилган № 28 топшириқнома Юнусобод Солиқ идорасига ўтказиш учун,
2. 425120.0 сўмга шу банкдаги “Шарқ Гули” давлат акциядорлик корхонасидан олинган товарларни тўлаш учун,
3. 49550.0 сўмга Фарғона вилоят Қўқон шаҳар “Ипотекабанк” бўлимидаги “Ипак” хусусий корхонасига олинган маҳсулотлар учун.

Шу билан бирга “Омад” хусусий корхонаси номига Саноат қурилиш банкининг Мирзо Улуғбек бўлимидаги хусусий корхона номидан келиб тушган тўлаш муддати етиб келган 292400.0 сўмлик талабномасининг пули тўланди.

“Омад” хусусий корхонаси номига Собир Раҳимов тумани Саноат қурилиш банкидаги “Олмос” хусусий корхонасидан 50200.0 сўм келиб тушди.

Кун бошига “Омад” хусусий корхонасининг талаб қилинган сақланадиган ҳисобварағидаги қолдиқ 59000.0 сўмни ташкил қилган.

“Пахтабанк” операцион бўлимининг вакиллик ҳисобварағида операцияларни ўтказишга пул етарли.

Талаб қилинади:

1. Банклараро ҳисоб-китобларнинг мазмунини тушунтириб беринг.
2. Ички ва ташқи вакиллик ҳисобварақлари тўғрисида тушунча беринг.
3. “Пахтабанк” операцион бўлимида “Омад” хусусий корхонасининг талаб қилингунча сақланадиган депозит ҳисобварағи бўйича ўтказилган операцияларни кўрсатинг.
4. Корхона ҳисобварағида кун охирига бўлган қолдиғини аниқланг.

2-масала

Тошкент шаҳар “Ғаллабанк”ининг Юнусобод бўлимига “Асака банк”нинг Андижон бўлиmidан 2 та хусусий корхона номига № 35 52050.0 сўмлик ва № 21 492500.0 сўмлик тўланган топшириқномалар келиб тушди. 5 кун аввал 1-картотекага қабул қилинган № 95 250000.0 сўмлик тўлов талабномаси “Наргиз” фирмаси ҳисобварағидан электрон почта орқали Самарқанддаги “Пахтабанк” бўлимидаги Тикувчилик комбинатига тўлаш учун жўнатилди.

Операциялар ҳисоб-китоб маркази орқали ўтказилди.

Талаб қилинади:

1. Ҳисоб-китоб марказининг фаолияти тўғрисида тушунча беринг.
2. Бир типдаги банклар ўртасидаги банклараро ҳисоб-китобларга тавсиф беринг.
3. Тошкент шаҳар ҳисоб-китоб марказидаги тегишли бухгалтерия проводкаларини бажаринг.
4. “Ғаллабанк”, “Асака банк” ва “Пахтабанк” бўлимларида бажарилган бухгалтерия проводкаларини кўрсатинг.

3-масала

“Чарх” хусусий фирмаси янги ишлаб чиқариш дастгоҳлари сотиб олиш учун “Кашфиёт-001” фирмаси билан савдо шартномасини имзолади. Шартномага кўра “Кашфиёт-001” 230000.0 сўмлик янги технология етказиб бериши керак. Тўлов шакли аккредитив.

“Чарх” фирмаси ўз ҳисобварағига Саноатқурилиш банкининг “Нодирабегим” (00402) филиалида, “Кашфиёт-001” фирмаси “Микрокредитбанк” (00433) да очган.

2007 йил 30 апрель куни “Чарх” фирмаси ўз банкига аккредитив очиш тўғрисида ариза топширди. “Чарх” фирмасининг ҳисобварағида пул етарли бўлгани учун банк пулни “Микрокредитбанк”ка ўтказди. “Микрокредитбанк” “Кашфиёт-001” фирмаси номига келиб тушган аккредитив суммасини алоҳида сўтга депонент қилиб қўйди.

“Микрокредитбанк”да “Кашфиёт-001” фирмаси томонидан тегишли ҳужжатлар топширилгандан сўнг аккредитивни ишлатиш бўйича бухгалтерия проводкалари бажарилди ва бу ҳақда “Нодирабегим” филиалига хабар берилди. “Нодирабегим” филиалида аккредитив ёпилди.

Талаб қилинади:

1. Аккредитив асосида ҳисоб-китобларнинг мазмунини, камчилик ва афзалликларини тушунтириш.
2. Мазкур операция бўйича банкларда амалга ошириладиган ишларни гапириб беринг.
3. Ҳар иккала банк филиали, Бош банк ва ҳисоб-китоб марказида бўладиган бухгалтерия проводкаларини кўрсатинг.

4-масала

Тошкент шаҳар Ҳисоб-китоб марказига “Капиталбанк” филиалидан 5 та тўланган топшириқнома келиб тушди:

1. № 10 254750.0 сўм Андижон “Асака” банкидаги хусусий корхона номига;
2. № 6 54950.0 сўм Тошкент шаҳар Саноатқурилишбанки филиалидаги давлат қурилиш ташкилотиномига;
3. № 46 19500.0 сўм Хива шаҳрида “Микрокредитбанк” филиалидаги Хусусий корхона номига;
4. № 47 95565.0 сўм яна шу банкдаги хусусий тадбиркор номига;
5. № 14 562495.0 сўм Тошкент шаҳар Шаҳристон СҚБ бўлимидаги қўшма корхона номига

Барча келиб тушган топшириқномалар бўйича ҳисоб-китоб марказида бухгалтерия проводкалари ўтказилди ва тегишли банкларга электрон тўловлар жўнатилди.

Талаб қилинади:

1. Электрон тўловларнинг мазмуни ва аҳамияти нимадан иборат?
2. Электрон тўлов тизимининг ишлаш принципларини санаб ўтинг.
3. Бир типдаги банклар ва турли типдаги банклар ўртасидаги банклараро ҳисоб-китобларнинг фарқини тушунтиринг.
4. Барча банкларда ва Ҳисоб-китоб марказида бўладиган про-водкаларни бажаринг.

5-масала

Самарқанд вилояти "Ипотека"банкдан Фарғона вилоят "Ипо-тека"банкидаги мижозлар номига 2 та электрон инкассо топшири-ғи (№ 45 50000.0 ва № 25 45600.0 сўм) ва 3 та электрон тўлов топшириғи жўнатилди.

(№ 12 25495.0 сўм)

(№ 40 450000.0 сўм)

(№ 21 285490.0 сўм)

Республика "Ипотека"банки орқали тўлов топшириғи ва инкас-со топшириқларининг суммалари тегишли банкларнинг вакиллик ҳисобварақларига ўтказди.

Талаб қилинади:

1. Ягона вакиллик ҳисобварағининг мазмуни ва ушбу ҳисоб-варақ орқали операциялар ўтказиш тартибини тушунтириб беринг.
2. Ипотека банкининг ҳар иккала филиалида бажариладиган бухгалтерия провoдкaларини ўтказинг.
3. Республика "Ипотека"банкида бажарилган провoдкaларни кўрсатинг, банкларнинг ҳисобварақларини мустақил белгиланг.

6-масала

Республика "Микрокредитбанки"га Сирдарё вилоят филиали-дан Андижон вилоят филиалига тўлаш учун мижозларнинг тўлов топшириқномалари келиб тушди. Тўлов топшириқномаларининг умумий суммаси 25684356 сўмни ташкил қилади. Республика бан-кида тегишли операциялар ўтказилди.

Талаб қилинади:

1. "Микрокредитбанк"ининг Сирдарё ва Андижон филиалида тўлов топшириқномаларини тўлаш бўйича бажарилган операция-ларни кўрсатинг.

2. Республика "Микрокредитбанк"ида филиаллар вакиллик ҳисобварақлари орқали ўтказилган бухгалтерия проводкаларини бажаринг.

3. Ягона вакиллик ҳисобварағининг афзаллик ва камчиликларини айтиб беринг.

5-мавзу: Давлат бюджетининг касса ижроси бўйича операциялари, уларни ҳисоби ва расмийлаштириш

1-масала

Банкка «Шарқ» хусусий фирмасининг ҳисоб рақамидан 60000 сўм ўтказиш учун Давлат солиқ хизмати томонидан инкассо топшириқномаси кўйилди. Мижознинг ҳисоб рақамида 40000 сўм бор. «Диёр» фирмаси даромад солиғини тўлаш учун 102542 сўмга расмийлаштирилган тўлов топшириқномасини тақдим этди. Корхона ҳисобрақамида 120.000 сўм бор.

Талаб қилинади:

1. Давлат бюджети даромадларига нималар киради?
2. Солиқлар ва бюджетга тўловларни ўтказиш қандай ҳужжатлар ёрдамида расмийлаштирилади?
3. Ҳужжатларнинг реквизитларини санаб ўтинг.
4. Бухгалтерия проводкаларини бажаринг ва тушунтиринг.

2-масала

Банк ходимларига 152000 сўм миқдорда иш ҳақи учун нақд пул берилди.

Иш ҳақидан куйидаги ажратмалар ўтказилди:

А) Даромаддан солиқ – 422000 сўм.

В) Нафақа фондига – 45500 сўм.

Талаб қилинади:

1. Бу операциялар қандай ҳужжатлар ёрдамида расмийлаштирилди?
2. Бухгалтерия проводкаларини бажаринг.

3-масала

Ипотека банкининг Юнусобод филиалига Юнусобод Солиқ идораси томонидан 3 та инкассо топшириқномаси келиб тушди.

1. «Диёр» ресторани номига – 124500 сўм

2. Тошкент Ахборот Технологиялар Университети номига
–149500 сўм

3. "Асбобсозлик" заводи номига – 297565 сўм

Банк ушбу инкассо топшириқномаларини ижро учун қабул қилди ва республика бюджети ҳисобига тегишли операцияларни бажарди:

Талаб қилинади:

1. Давлат бюджетининг касса ижроси бўйича операциялари деб қандай операцияларга айтилади?

2. Давлат бюджетининг касса ижроси бўйича операциялари қайси йўриқнома асосида ташкил этилади?

3. Давлат бюджетининг касса ижроси операциялари қайси ҳисобварақларда олиб борилади?

4. Масала шарти бўйича бухгалтерия проводкаларини бажаринг.

4-масала

Давлат корхонаси номидан банкка 4 та тўлов топшириғи ва 1290000 сўмлик пул чеки келиб тушди.

1. Йўл фондига тўловлар – 49250 сўм

2. Ишчи хизматчиларининг иш ҳақидан даромад солиғи
– 820250 сўм

3. Бандлик хизмати фондига – 34950 сўм

4. Нафақа фондига – 125090 сўм.

Корхона ҳисобварағида 2564583 сўм маблағ бор. Банк томонидан юқоридаги ҳужжатларнинг ҳаммаси тўланди.

Талаб қилинади:

1. Инкассо топшириқномаси қайси идоралар томонидан ва қандай мақсадларда қўйилади?

2. Инкассо топшириқномаси ва тўлов топшириқномаси банкка неча нусхада топширилади?

3. Юқоридаги операциялар бўйича бухгалтерия проводкаларини бажаринг.

4. Давлат корхонасининг ҳисобварағида кун охирига бўлган қолдиқни аниқланг.

5-масала

Пахта банкига шу банкнинг мижози бўлган «Тошойна» давлат корхонаси номига Мирзо Улуғбек хўжалик судидан 124000 сўмга

№519 инкассо топшириқномаси, Республика божхона қўмитасидан "Истиклол" супермаркети номига божхона тўловларини ундириш учун 248900 сўмга №245 номерли инкассо топшириқномаси келиб тушди. Банк №519 инкассо топшириқномасини тўлаб берди.

"Истиклол" супермаркетига келган №245 инкассо топшириқномасини унинг ҳисобварағида пул маблағлари бўлмаганлиги учун тўланмади.

Талаб қилинди:

1. Инкассо топшириғи бўйича ҳужжатлар айланиши схемасини кўрсатинг.

2. Божхона идораси инкассо топшириғига қандай ҳужжатларни илова қилади?

3. Тўланган ва тўланмаган инкассо топшириқлари бўйича бухгалтерия проводкаларини кўрсатинг.

6-мавзу: Қисқа муддатли кредит операцияларининг ҳисоби ва расмийлаштирилиши

1-масала

Тошкент Трактор ишлаб чиқариш бирлашмаси номига қишлоқ хўжалик машиналари ишлаб чиқариш заводи томонидан юборган эҳтиёт қисмлар ва асбоб-ускуналар, ўрнатиладиган қурилмалар қийматини тўлаш учун тўлов талабномаси қабул қилинди. Талабнома суммаси – 1400000 сўм. Иккала мижоз ҳам "Пахта" банки филиалида ҳисобварақлар очган. Тошкент Трактор ишлаб чиқариш бирлашмасининг ҳисобварағида маблағлари доимо етарли бўлмайди. Шу сабабли банк билан тузган шартномасига асосан талабномани Тошкент Трактор ишлаб чиқариш бирлашмаси банкнинг қисқа муддатли ссудалари ҳисобидан тўлади.

Талаб қилинади:

1. Кредит тамайилларига тавсиф беринг.
2. Қисқа муддатли кредит бериш тартибини тушунтиринг.
3. Қисқа муддатли ссуда операцияларини ҳисобини ташкил этиш учун қайси ҳисобварақлардан фойдаланилади?
4. Операцияларга проводка беринг.

7-мавзу: Касса операциялари ҳисоби ва расмийлаштирилиши

1-масала

Тижорат банки филиалида 10 сентябрда қуйидагиларидан нақд пул қабул қилинди:

Минг сўм.

1. "Смена" фотосалонидан нақд пул тушуми – 120000 сўм
2. "Шарқ" фермер хўжалигидан маҳсулот сотишдан тушум – 670000 сўм
3. "Юлдуз" акционерлик корхонасидан тарқатилмаган иш ҳақи – 100000 сўм
4. Банк ходими Бозоровадан сафар харажатларининг фойдаланилмаган қисми – 12400 сўм

Масъул ижрочи томонидан касса кирим журнали тузилган. Унинг маълумотлари кирим кассаси кассирининг маълумотномалари билан солиштирилди.

Талаб қилинади:

1. Кирим касса операциялари қайси ҳужжатлар асосида расмийлаштирилади?
2. Касса кирим операциялари бўйича ҳужжатлар айланишини тавсифланг.
3. Операциялар бўйича бухгалтерия проводкаларини тузинг.

2-масала

1. Тижорат банк филиали томонидан 7 октябрь куни қуйидаги мақсадлар учун нақд пул берилди:

❖ "Нур" акционерлик жамиятига иш ҳақи учун 265478 сўм нақд пул берилди.

❖ "Шарқ" акционерлик жамиятига командировка харажатлари учун 12564 сўм берилди.

❖ №4 босмахонага хўжалик харажатлари учун 12400 сўм берилди.

❖ Банк масъул ходими М.Алиевага сафар харажатлари учун №32 касса чиқим ордери бўйича 14526 сўм нақд пул берилди.

Талаб қилинади:

1. Чиқим касса операциялари бўйича расмийлаштириладиган ҳужжатларни тавсифланг.

2. Банк кассасига нақд пулларни қабул қилиш бўйича ҳужжатлар айланиш тартибини баён этинг.

3. Бажарилган операциялар бўйича кассанинг чиқим журнали ва бухгалтерия проводкалари тузинг.

3-масала

"Сервис" акционерлик жамияти томонидан банкка ўз ходимларга иш ҳақи тўлаш учун 560,0 минг сўмга расмийлаштирилган №6 пул чеки ҳамда 64 минг сўмга расмийлаштирилган давлат солиқ органларига иш ҳақидан ушланган солиқларни ўтказиш тўғрисидаги тўлов топшириқнома келиб тушди. Ҳисобварақдаги қолдиқ сумма ушбу операцияларни амалга ошириш учун етарли.

Талаб қилинади:

1. Пул чекининг реквизитларини санаб беринг.
2. Иш ҳақига нақд пул беришда масъул ижрочининг амалга оширадиган назоратини тавсифланг.
3. Банк кассасидан нақд пул бериш бўйича ҳужжатлар айланиш тартибини баён этинг.
4. Операциялар бўйича бухгалтерия проводкаларини тузинг.

4-масала

Банк кассасидан 2007 йил 4 апрелда қуйидаги мақсадларга нақд пул берилди:

❖ "ТТЗ" ишлаб чиқариш бирлашмасига иш ҳақи тарқатиш учун нақд пул берилди – 175000 сўм

❖ №2 пойафзал фабрикасига хўжалик эҳтиёжлари учун нақд пул берилди – 375000 сўм

❖ "Юлдуз" акционерлик жамиятига иш ҳақи тўлаш учун – 245000 сўм

❖ "Коника" фирмасига командировка харажатлари учун – 22020 сўм

❖ "Нур" ишлаб чиқариш бирлашмасига мукофот пули тарқатиш учун – 10000 сўм

❖ "Ойна" заводига сафар харажатлари учун – 20000 сўм

Талаб қилинади:

1. Банкдан нақд пул олиш учун қандай ҳужжатлар расмийлаштирилади?

2. Пул чекларини тўлашда назоратчи ва кассирнинг ҳамда масъул ижрочилари томонидан амалга ошириладиган назорат хусусиятларини айтиб ўтинг.

3. Касса чиқим журналинини тўлдириш ва чиқим кассаси кассирнинг справкаси билан солиштириш тартибини кўрсатинг.

4. Операцияларга бухгалтерия проводкаларини бажаринг.

5-масала

❖ «Саноатқурилишбанки»нинг М.Улуғбек филиалида 22 сентябрда қуйидаги касса операциялари бажарилди:

❖ "ТТЗ" ишлаб чиқариш бирлашмасига иш ҳақи тарқатиш учун нақд пул берилди –175000 сўм

❖ №2 пойафзал фабрикасига хўжалик эҳтиёжлари учун нақд пул берилди – 375000 сўм

Банк ходими С.Солиевага сафар харажатлари учун нақд пул берилди – 25000 сўм

❖ "Азот" ишлаб чиқариш бирлашмасидан тарқатилмаган иш ҳақи нақд пулда банк кассасига қабул қилинди – 165000 сўм

❖ №1 Тўқув фабрикасининг ишлаб чиқариш чиқиндиларини сотишдан тушган тушум қабул қилинди – 450000 сўм

Кун бошига банк кассасидаги нақд пул қолдиғи 2675000 сўм.

Талаб қилинади:

1. Касса кирим ва чиқим операциялари бўйича хужжатлар айланиш схемасини солиштиринг.

2. Операциялар бўйича бухгалтерия проводкаларини тузинг ва кун охирига кассадаги нақд пул қолдиғини аниқланг.

6-масала

"АТ Асака банки" шаҳар филиалига "Шаршара" кафеси ва «Беҳзод» озиқ-овқат магазини томонидан берилган 850000 ва 586000 сўм инкассация тушуми сумкалари юкхатлари билан биргаликда инкассаторлар томонидан кечки кассаларга топширилди. Қайта санаш натижалари кўрсатилган суммаларнинг тўғрилигини тасдиқлади.

Талаб қилинади:

1. Инкассация тушумини ҳисобга олиш тартибини тушунтиринг.

2. Мижозлар шу банкда ҳисобварақ очган бўлса, бу операциялар қандай проводка орқали расмийлаштирилади?
3. Мижозлар бошқа банкка тегишли бўлса-чи?

7-масала

"Алп Жамол банки" га инкассаторлар томонидан "Назар Сервис" хусусий корхонаси ҳисобварағига сумкадаги юкхат асосида 2450000 сўм инкассация тушуми топширилди, қайта санаш натижаларига кўра 126000 сўм камомад аниқланди.

Талаб қилинади:

1. Банк томонидан инкассация қилинган пул тушуми ҳисоботини тавсифлаб беринг.
2. Инкассация тушуми ҳисоби бўйича қайта санашгача ва қайта санашдан кейинги камомадларга бухгалтерия проводкалари тузинг.

8-мавзу: Банк ички операциялари, уларнинг ҳисоби ва расмийлаштирилиши

1-масала

Саноатқурилиш банки қўшимча хизмат биносини қуриш харажатлари учун тўловларни амалга оширди. Жами харажатлар суммаси 2500000 сўмни ташкил қилди. Хизмат биноси қуриб битказилгандан сўнг далолатномага асосан бино учун кетган харажатлар умумий суммада балансга қабул қилинади.

Талаб қилинади:

1. Тугалланмаган қурилиш бўйича операциялар қандай тартибда амалга оширилади?
2. Далолатномада нималар кўрсатилади?
3. Операциялар бўйича бухгалтерия проводкаларини амалга оширинг.

2-масала

Банк ички операциялари бўлимида жорий ойда қуйидаги операциялар бажарилди:

1. Банк хизматчиларига 1520000 сўм миқдорида иш ҳақи ҳисобланди.
2. Иш ҳақидан қуйидагиларга ажратмалар ҳисобланиб тегишли идораларга ўтказиб берилди:

❖ Даромад солиғи бюджетга ўтказилди -422000 сўм

❖ Нафақа фондига – 45500 сўм

3. Банк кассасидан банк ходимиға сафар харажатлари учун аванс берилди-5000 сўм

4. Шундан 4500 сўм сарфланганлиғи тўғрисида ходимнинг ҳисоботи қабул қилинди.

Талаб қилинади:

1. Бу операциялар қандай ҳужжатлар ёрдамида расмийлаштирилади.

2. Бухгалтерия проводкаларини бажаринг.

3-масала

“Пахта” банк бўлими “Нексия” автомашинасини сотиб олиш учун тўловларни олдиндан амалга оширди. 11000000 сўм маблағ “Асака банк”ка ўтказилди. “Нексия” автомобили “Пахтабанк”ка келтирилгандан сўнг далолатномаға асосан балансға қабул қилинди.

Талаб қилинади:

1. Асосий воситаларға нималар киради?

2. Банк асосий воситалари ҳисобини юритиш учун қандай ҳисобварақлар ишлатилади.

3. Амалга оширилган операциялар бўйича проводкалар тузинг.

4-масала

“Ғалла”банк ва “Асака” заводи ўртасида “Дамас” автомобилини етказиб бериш ва сотиб олиш бўйича шартнома имзоланди. “Ғалла”банк бўлими томонидан “Дамас” автомашинаси Асакадаги автомобил заводи билан тузилган шартномаға мувофиқ тўловларни машинани олиб келгандан сўнг амалга ошириш шarti билан олиб келинди. Шартнома суммаси 11 млн сўм. Тўлов автомобиль олиб келингандан сўнг ўтказилди.

Талаб қилинади:

1. Омборхонаға қабул қилингандан сўнг тўловларни ўтказиш тартибини тушунтиринг.

2. Операциялар бўйича проводкалар тузинг.

5-масала

Банк бино ва иморатларига амортизация меъёрларига мувофиқ 125000 сўм эскириш суммаси ҳисобланди.

Талаб қилинади:

1. Асосий воситалар амортизация меъёрлари тўғрисида тушунча беринг.
2. Операциялар бўйича бухгалтерия проводкаларини амалга оширинг.

6-масала

Банк компьютерлар учун янги дастур сотиб олди ва олдиндан 50000 сўм тўловларни амалга оширди. Ушбу дастур банкка олиб келиниб, далолатномага кўра балансга қабул қилинди.

Талаб қилинади:

1. Номоддий активларга тушунча беринг.
2. Номоддий активлар ҳисоби қайси ҳисобварақларда ҳисобга олинишини тушунтиринг.
3. Операциялар бўйича проводкалар тузинг.

1-ИЛОВА

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ
БОШҚАРУВИ ТОМОНИДАН ТАСДИҚЛАНГАН**



№290

**Ўзбекистон Республикаси
тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби**

ҲИСОБВАРАҚЛАРИ РЕЖАСИ

Тошкент-2006

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлигида
«РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛДИ»
2004 йил 13 август
773-17-сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг
2004 йил 17 июлдаги қарори билан
тасдиқланган

№ 578

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ҲИСОБВАРАҚЛАРИ РЕЖАСИ

*(Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви
томонидан 2004 йил 31 декабрда тасдиқланган 578-1-сон, 2005 йил
25 июндаги 578-2-сон, 2005 йил 20 августдаги 578-2-сон ва
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2005 йил 14 январда
рўйхатдан ўтказилган 773-18-сон, 2005 йил 20 июлдаги 773-19-сон,
2005 йил 17 сентябрдаги 773-20 ўзгартириш ва қўшимчалар
билан бирга)*

I. Ҳисобварақлар режасининг умумий тавсифи

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлар режаси Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси, Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”, “Банк ва банклар фаолияти тўғрисида”ги қонунлари талабларига мувофиқ ҳамда Молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари асосида ишлаб чиқилган бўлиб, у Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва ташкил этишнинг ягона методологик асосларини белгилаб беради. Тижорат банклари томонидан бухгалтерия ҳисоби улар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтказилган вақтдан бошлаб қайта ташкил этилгунга ёки тугатилгунга қадар узлуксиз равишда юритилади.

Тижорат банклари банк операцияларини амалга оширишда ва уларни бухгалтерия ҳисобида акс эттиришда Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатларига ва амалдаги қонунчиликка қатъий риоя қилишлари лозим.

Мазкур ҳисобварақлар режаси банк операцияларининг бухгалтерия ҳисобини акс эттириш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Ҳисобварақлар режаси банк операцияларининг ҳисобини юритиш, таҳлил қилиш, гуруҳлаш ва уларга доир ҳисоботлар-

ни тузишда қўлланадиган Бош китоб ҳисобварақларини рўйхатидан иборат.

Хатоларни тўғрилаш ва ҳисоб сиёсатидаги ўзгаришлар бўйича тузатишлар киритишда, ҳисобварақларнинг таърифларида кўзда тутилмаган бўлса ҳам ҳисобварақларнинг дебет ва кредитлари бўйича тузатиш ўтказмалари беришга рухсат берилади.

Тижорат банкларининг ҳисобварақлар режаси бухгалтерия ҳисобининг кўп валютали тизимига асосланган бўлиб, чет эл валютасидаги операцияларнинг ҳисоби юритилиши мумкин бўлган барча ҳисобварақларда хорижий валютадаги операциялар ҳисобини акс эттириш имконини беради. Ҳар бир валюта тури бўйича синтетик ҳисобни юритиш учун-алоҳида Бош китоб, аналитик ҳисобни юритиш учун эса ёрдамчи китоблар очилади. Ҳар бир валюта бўйича ёрдамчи китоблардаги суммалар йиғиндиси Бош китобларнинг тегишли баланс ҳисобварақларидаги суммалар йиғиндисига мос келиши керак. Банк томонидан амалга ошириладиган ҳар бир операция тегишли валюта тури бўйича Бош ва ёрдамчи китобларда рўйхатга олиниши керак. Ҳисобот санасида Бош китобларнинг хорижий валюталар бўйича жами суммалари миллий валютага ўтказилади ва ҳисобот даври давомида амалга оширилган барча операциялар бўйича банкнинг жамланма баланси тузилади.

Ҳисобварақларни кодлаштириш қуйидаги мақсадлар учун ишлаб чиқилган:

- ҳисобварақларнинг Бош ва ёрдамчи китобларда жойланишини енгиллаштириш;
- ҳисобварақларни бир тизимда таснифлаш ва гуруҳлашга ёрдам бериш;
- ҳисоб жараёнларини автоматлаштиришни енгиллаштириш;
- операциялар ёзувини тезлаштириш.

Баланс ҳисобварақларининг Бош китобда кодлаштирилиш тизими қуйидаги схема бўйича бешта белгидан иборатлиги қабул қилинган:

C	M	SS
	M	

C	Ҳисобварақ туркуми (категорияси):
1	Актив
2	Мажбуриятлар
3	Капитал
4	Даромадлар
5	Харажатлар
9	Кўзда тутилмаган ҳолатлар


MM	Ҳисобварақ туркумига тегишли асосий ҳисобварақлар (биринчи тартиб)
-----------	---

SS	Асосий ҳисобварақларга тегишли субҳисобварақлар (иккинчи тартиб)
-----------	---

Рақамли кодлаштиришга қуйидаги зарур шартлар жойлаштирилган:

- жамланма ҳисобварақлар учун MM ва/ёки SS нол рақамларига эга (масалан, 10000-“Активлар”, 10100-“Кассадаги нақд пул ва бошқа тўлов ҳужжатлари” ва бошқалар);
- “Активлар” бўлимидаги “.... зарарларни қоплаш захираси” сарлавхали субҳисобварақлар учун SS ўрнида 99 рақам қабул қилинган.

Ёрдамчи китобда шахсий ҳисобварақлар қуйидаги схема бўйича кодлаштирилади:



Бундан ташқари, операцияларни бошқариш мақсадида ёрдамчи китобларга Марказий банк, тижорат банклари бошқармалари ҳамда тижорат банклари менежменти (бошқариши) учун зарур бўлган батафсил ахборотлар билан таъминловчи қўшимча маълумотлар киритилади.

Ҳисобварақлар режасида ҳар бир ҳисобварақнинг актив ёки пассив бўлиши аниқ белгилаб қўйилган, актив-пассив қолдиқларга эга бўладиган айрим ҳисобварақлар бундан мустасно. Актив ҳисобварақларга “Активлар”, “Харажатлар” ва “Кўзда тутилмаган ҳолатлар” бўлимларидаги баланс ҳисобварақлари, пассив ҳисобварақларга “Мажбуриятлар”, “Капитал” ва “Даромадлар” бўлимларидаги баланс ҳисобварақлари тааллуқлидир.

Активларнинг реал қийматини акс эттириш мақсадида “Активлар” бўлимига контр-актив ҳисобварақлари, мажбуриятларнинг реал қийматини акс эттириш мақсадида эса “Мажбуриятлар” бўлимига контр-пассив ҳисобварақлар киритилган.

“Кўзда тутилмаган ҳолатларлар” бўлимига операцияларни икки ёқлама ёзув услуби бўйича акс эттириш ва амалга оширилган операцияларнинг тўғрилигини қўшимча назорат қилиш имконини берувчи контр-актив ҳисобварақлар киритилган.

Баъзи ҳисобварақлардан ташқари “Активлар” ликвидлилик, “Мажбуриятлар” эса муддатлилик тамойилларига асосан таснифланган.

Мазкур ҳисобварақлар режасида ҳар бир иккинчи тартибли баланс ҳисобварағи учун ҳисобварақ таърифи берилган бўлиб, унда ҳисобварақнинг дебети ва кредити бўйича қандай операцияларни акс эттириш ҳамда аналитик ҳисобини юритиш кўрсатилган. Батафсил аналитик ҳисоб юритиш учун банкларда шахсий ҳисобварақлардан ташқари қўшимча журнал ҳисоби ва реестрлар юритилиши мумкин.

“Даромадлар” ва “Харажатлар” бўлими учун аналитик ҳисоб кўрсатилмаган бўлиб, ушбу бўлимлардаги ҳисобварақлар банк ички ҳисобварақлари ҳисобланади. Тижорат банклари Марказий банк талаблари ва ички ҳисоб сиёсатидан келиб чиққан ҳолда ушбу ҳисобварақларда аналитик ҳисобни қандай юритишни ўзлари белгилайдилар.

I. Ҳисобварақлар рўйхати

Коди	Номи
10000	АКТИВЛАР
10100	Кассадаги нақд пул ва бошқа тўлов ҳужжатлари
10101	- Айланма кассадаги нақд пуллар
10102	- Нақд пуллар захираси
10103	- Пул алмаштириш шаҳобчаларидаги нақд пуллар
10105	- Чеклар ва бошқа тўлов ҳужжатлари
10107	- Банкоматлардаги нақд пуллар
10109	- Йўлдаги пуллар
10111	- Банк биносида жойлашмаган амалиёт (операцион) кассалардаги нақд пуллар
10300	Банкнинг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкидаги (ЎЗР МБ) ҳисобварақлари
10301	- Марказий банкдаги вакиллик ҳисобварағи – Ностро
10305	- Марказий банкнинг вакиллик ҳисобварағи – Востро, овердрафт
10307	- Марказий банкдан олиниши лозим бўлган маблағлар – Нақд пуллар
10309	- Марказий банкдаги мажбурий захира ҳисобварағи
10397	- Марказий банкдаги бошқа ҳисобварақлар – Депозитлар
10500	Банкнинг бошқа банклардаги ҳисобварақлари
10501	- Бошқа банклардаги вакиллик ҳисобварақлари – Ностро
10505	- Бошқа банкларнинг вакиллик ҳисобварақлари – Востро, овердрафт
10507	- Бошқа банклардан олиниши лозим бўлган маблағлар – Нақд пуллар
10597	- Бошқа банклардаги ҳисобварақлар – Депозитлар
10599	- Банкнинг бошқа банклардаги ҳисобварақлари бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив)
10700	Олди-сотди қимматли қоғозлари
10701	- Давлат хазина векселлари
10705	- Давлат облигациялари
10709	- Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг облигациялари ва бошқа қарз қимматли қоғозлари
10711	- Корхоналарнинг қарз қимматли қоғозлари
10715	- Еврооблигациялар
10719	- Корхоналарнинг улушли қимматли қоғозлари
10779	- Бошқа қимматли қоғозлар
10791	- Олди-сотди қимматли қоғозлар бўйича дисконт (контр-актив)
10793	- Олди-сотди қимматли қоғозлар бўйича мукофот
10795	- Олди-сотди қимматли қоғозлар ҳақиқий қийматининг ўзгариши
10799	- Олди-сотди қимматли қоғозлардан кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив)

10800 Сотишга мўлжалланган қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар

- 10801 – Давлат хазина векселлари
- 10805 – Давлат облигациялари
- 10809 – Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг облигациялари ва бошқа қарз қимматли қоғозлари
- 10813 – Корхоналарнинг қарз қимматли қоғозлари
- 10817 – Еврооблигациялар
- 10821 – Корхоналарнинг улушли қимматли қоғозлари
- 10879 – Бошқа қимматли қоғозлар
- 10889 – Сотишга мўлжалланган қарз қимматли қоғозларни харид қилиш бўйича харажатлар
- 10891 – Сотишга мўлжалланган қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар бўйича дисконт (контр-актив)
- 10893 – Сотишга мўлжалланган қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар бўйича мукофот
- 10895 – Сотишга мўлжалланган қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар ҳақиқий қийматининг ўзгариши
- 10899 – Сотишга мўлжалланган қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив)

10900 Олди-сотдига мўлжалланган қимматбаҳо металллар, тошлар ва тангалар

- 10901 – Қимматбаҳо металллар
- 10905 – Қимматбаҳо тошлар
- 10909 – Қимматбаҳо тангалар
- 10999 – Қимматбаҳо металллар, тошлар ва тангаларнинг савдосидан кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив)

11100 Сотиб олинган дебиторлик қарзлари – Факторинг

- 11101 – Сотиб олинган дебиторлик қарзлари – Факторинг
- 11103 – Муддати ўтган сотиб олинган дебиторлик қарзлари – Факторинг
- 11105 – Суд жараёнидаги сотиб олинган дебиторлик қарзлари – Факторинг
- 11195 – Сотиб олинган дебиторлик қарзлари – Факторинг бўйича дисконт (контр-актив)
- 11199 – Сотиб олинган дебиторлик қарзлари – Факторинг бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив)

11300 Сотиб олинган векселлар

- 11301 – Экспорт билан боғлиқ сотиб олинган векселлар – Ҳужжатсиз
- 11305 – Экспорт билан боғлиқ сотиб олинган векселлар – Ҳужжатли
- 11309 – Сотиб олинган маҳаллий векселлар – Ҳужжатсиз
- 11311 – Сотиб олинган маҳаллий векселлар – Ҳужжатли
- 11315 – Муддати ўтган сотиб олинган векселлар

- 11319 – Суд жараёнидаги сотиб олинган векселлар
- 11395 – Сотиб олинган векселлар бўйича дисконтлар (контр-актив)
- 11399 – Сотиб олинган векселлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив)
- 11500 Мижозларнинг аккредитив ва/ёки траст ҳужжатлари билан кафолатланган тратталари бўйича мажбуриятлари**
- 11501 – Мижозларнинг импорт билан боғлиқ векселлар бўйича мажбуриятлари
- 11505 – Мижозларнинг траст ҳужжатлари билан кафолатланган импорт билан боғлиқ векселлар бўйича мажбуриятлари
- 11509 – Мижозларнинг траст ҳужжатлари билан кафолатланган маҳаллий векселлар бўйича мажбуриятлари
- 11511 – Муддати ўтган импорт билан боғлиқ векселлар ва акцептлар
- 11515 – Муддати ўтган маҳаллий векселлар ва акцептлар
- 11519 – Суд жараёнидаги импорт билан боғлиқ векселлар
- 11521 – Суд жараёнидаги маҳаллий векселлар
- 11599 – Импорт билан боғлиқ ва маҳаллий векселлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив)
- 11700 Банкнинг тўланмаган акцептлари бўйича мижозларнинг мажбуриятлари**
- 11701 – Мижозларнинг маҳаллий акцептлар бўйича мажбуриятлари
- 11705 – Мижозларнинг хорижий акцептлар бўйича мажбуриятлари
- 11800 РЕПО битимлари бўйича сотиб олинган қимматли қоғозлар**
- 11801 – РЕПО битимлари бўйича ЎЗР МБидан сотиб олинган қимматли қоғозлар
- 11803 – РЕПО битимлари бўйича бошқа банклардан сотиб олинган қимматли қоғозлар
- 11805 – РЕПО битимлари бўйича ҳукуматдан сотиб олинган қимматли қоғозлар
- 11807 – РЕПО битимлари бўйича жисмоний шахслардан сотиб олинган қимматли қоғозлар
- 11809 – РЕПО битимлари бўйича якка тартибдаги тадбиркорлардан сотиб олинган қимматли қоғозлар
- 11811 – РЕПО битимлари бўйича давлат корхона, ташкилот ва муассасаларидан сотиб олинган қимматли қоғозлар
- 11813 – РЕПО битимлари бўйича чет эл капитали иштирокидаги корхоналардан сотиб олинган қимматли қоғозлар
- 11815 – РЕПО битимлари бўйича хусусий корхоналар, хўжалик ширкатлари ва жамиятлардан сотиб олинган қимматли қоғозлар
- 11897 – РЕПО битимлари бўйича бошқа қарздорлардан сотиб олинган қимматли қоғозлар
- 11899 – РЕПО битимлари бўйича сотиб олинган қимматли қоғозлардан кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив)
- 11900 Марказий банкка берилган қисқа муддатли кредитлар**

- 11901 – Марказий банкка берилган қисқа муддатли кредитлар
- 12100 Бошқа банкларга берилган қисқа муддатли кредитлар**
- 12101 – Бошқа банкларга берилган қисқа муддатли кредитлар
- 12105 – Бошқа банкларга берилган муддати ўтган кредитлар
- 12109 – Бошқа банкларга берилган шартлари қайта кўриб чиқилган қисқа муддатли кредитлар
- 12199 – Бошқа банкларга берилган қисқа муддатли кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив)
- 12300 Ҳукуматга берилган қисқа муддатли кредитлар**
- 12301 – Ҳукуматга берилган қисқа муддатли кредитлар
- 12305 – Ҳукуматга берилган муддати ўтган кредитлар
- 12309 – Ҳукуматга берилган шартлари қайта кўриб чиқилган қисқа муддатли кредитлар
- 12399 – Ҳукуматга берилган қисқа муддатли кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив)
- 12500 Жисмоний шахсларга берилган қисқа муддатли кредитлар**
- 12501 – Жисмоний шахсларга берилган қисқа муддатли кредитлар
- 12505 – Жисмоний шахсларга берилган муддати ўтган кредитлар
- 12509 – Жисмоний шахсларга берилган шартлари қайта кўриб чиқилган қисқа муддатли кредитлар
- 12599 – Жисмоний шахсларга берилган қисқа муддатли кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив)
- 12600 Якка тартибдаги тадбиркорларга берилган қисқа муддатли кредитлар**
- 12601 – Якка тартибдаги тадбиркорларга берилган қисқа муддатли кредитлар
- 12605 – Якка тартибдаги тадбиркорларга берилган муддати ўтган кредитлар
- 12609 – Якка тартибдаги тадбиркорларга берилган шартлари қайта кўриб чиқилган қисқа муддатли кредитлар
- 12699 – Якка тартибдаги тадбиркорларга берилган қисқа муддатли кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив)
- 12700 Давлат корхона, ташкилот ва муассасаларига берилган қисқа муддатли кредитлар**
- 12701 – Давлат корхона, ташкилот ва муассасаларига берилган қисқа муддатли кредитлар
- 12705 – Давлат корхона, ташкилот ва муассасаларига берилган муддати ўтган кредитлар
- 12709 – Давлат корхона, ташкилот ва муассасаларига берилган шартлари қайта кўриб чиқилган қисқа муддатли кредитлар

– Давлат корхона, ташкилот ва муассасаларига берилган қисқа муддатли кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив)

12900 Чет эл капитали иштирокидаги корхоналарга берилган қисқа муддатли кредитлар

12901 – Чет эл капитали иштирокидаги корхоналарга берилган қисқа муддатли кредитлар

12905 – Чет эл капитали иштирокидаги корхоналарга берилган муддати ўтган кредитлар

12909 – Чет эл капитали иштирокидаги корхоналарга берилган шартлари қайта кўриб чиқилган қисқа муддатли кредитлар

12999 – Чет эл капитали иштирокидаги корхоналарга берилган қисқа муддатли кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив)

13000 Нодавлат нотижорат ташкилотларига берилган қисқа муддатли кредитлар

13001 – Нодавлат нотижорат ташкилотларига берилган қисқа муддатли кредитлар

13005 – Нодавлат нотижорат ташкилотларига берилган муддати ўтган кредитлар

13009 – Нодавлат нотижорат ташкилотларига берилган шартлари қайта кўриб чиқилган қисқа муддатли кредитлар

13099 – Нодавлат нотижорат ташкилотларига берилган қисқа муддатли кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив)

13100 Хусусий корхоналар, хўжалик ширкатлари ва жамиятларга берилган қисқа муддатли кредитлар

13101 – Хусусий корхоналар, хўжалик ширкатлари ва жамиятларга берилган қисқа муддатли кредитлар

13105 – Хусусий корхоналар, хўжалик ширкатлари ва жамиятларга берилган муддати ўтган кредитлар

13109 – Хусусий корхоналар, хўжалик ширкатлари ва жамиятларга берилган шартлари қайта кўриб чиқилган қисқа муддатли кредитлар

13199 – Хусусий корхоналар, хўжалик ширкатлари ва жамиятларга берилган қисқа муддатли кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив)

13200 Банк бўлмаган молиявий муассасаларга берилган қисқа муддатли кредитлар

13201 – Банк бўлмаган молиявий муассасаларга берилган қисқа муддатли кредитлар

13205 – Банк бўлмаган молиявий муассасаларга берилган муддати ўтган кредитлар

13209 – Банк бўлмаган молиявий муассасаларга берилган шартлари қайта кўриб чиқилган қисқа муддатли кредитлар

- 13299 – Банк бўлмаган молиявий муассасаларга берилган қисқа муддатли кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив)
- 14500 Бошқа банкларга берилган узоқ муддатли кредитлар**
- 14501 – Бошқа банкларга берилган узоқ муддатли кредитлар
- 14505 – Бошқа банкларга берилган шартлари қайта кўриб чиқилган узоқ муддатли кредитлар
- 14599 – Бошқа банкларга берилган узоқ муддатли кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив)
- 14700 Ҳукуматга берилган узоқ муддатли кредитлар**
- 14701 – Ҳукуматга берилган узоқ муддатли кредитлар
- 14705 – Ҳукуматга берилган шартлари қайта кўриб чиқилган узоқ муддатли кредитлар
- 14799 – Ҳукуматга берилган узоқ муддатли кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив)
- 14900 Жисмоний шахсларга берилган узоқ муддатли кредитлар**
- 14901 – Жисмоний шахсларга берилган узоқ муддатли кредитлар
- 14905 – Жисмоний шахсларга берилган шартлари қайта кўриб чиқилган узоқ муддатли кредитлар
- 14999 – Жисмоний шахсларга берилган узоқ муддатли кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив)
- 15000 Якка тартибдаги тадбиркорларга берилган узоқ муддатли кредитлар**
- 15001 – Якка тартибдаги тадбиркорларга берилган узоқ муддатли кредитлар
- 15005 – Якка тартибдаги тадбиркорларга берилган шартлари қайта кўриб чиқилган узоқ муддатли кредитлар
- 15099 – Якка тартибдаги тадбиркорларга берилган узоқ муддатли кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив)
- 15100 Давлат корхона, ташкилот ва муассасаларига берилган узоқ муддатли кредитлар**
- 15101 – Давлат корхона, ташкилот ва муассасаларига берилган узоқ муддатли кредитлар
- 15105 – Давлат корхона, ташкилот ва муассасаларига берилган шартлари қайта кўриб чиқилган узоқ муддатли кредитлар
- 15199 – Давлат корхона, ташкилот ва муассасаларига берилган узоқ муддатли кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив)
- 15200 Нодавлат нотижорат ташкилотларига берилган узоқ муддатли кредитлар**
- 15201 – Нодавлат нотижорат ташкилотларига берилган узоқ муддатли кредитлар
- 15205 – Нодавлат нотижорат ташкилотларига берилган шартлари қайта кўриб чиқилган узоқ муддатли кредитлар

- 15299 – Нодавлат нотижорат ташкилотларига берилган узоқ муддатли кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив)
- 15300 Чет эл капитали иштирокидаги корхоналарга берилган узоқ муддатли кредитлар**
- 15301 – Чет эл капитали иштирокидаги корхоналарга берилган узоқ муддатли кредитлар
- 15305 – Чет эл капитали иштирокидаги корхоналарга берилган шартлари қайта кўриб чиқилган узоқ муддатли кредитлар
- 15399 – Чет эл капитали иштирокидаги корхоналарга берилган узоқ муддатли кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив)
- 15400 Банк бўлмаган молиявий муассасаларга берилган узоқ муддатли кредитлар**
- 15401 – Банк бўлмаган молиявий муассасаларга берилган узоқ муддатли кредитлар
- 15405 – Банк бўлмаган молиявий муассасаларга берилган шартлари қайта кўриб чиқилган узоқ муддатли кредитлар
- 15499 – Банк бўлмаган молиявий муассасаларга берилган узоқ муддатли кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив)
- 15500 Хусусий корхоналар, хўжалик ширкатлари ва жамиятларга берилган узоқ муддатли кредитлар**
- 15501 – Хусусий корхоналар, хўжалик ширкатлари ва жамиятларга берилган узоқ муддатли кредитлар
- 15505 – Хусусий корхоналар, хўжалик ширкатлари ва жамиятларга берилган шартлари қайта кўриб чиқилган узоқ муддатли кредитлар
- 15599 – Хусусий корхоналар, хўжалик ширкатлари ва жамиятларга берилган узоқ муддатли кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив)
- 15600 Лизинг (молиявий ижара)**
- 15601 – Бошқа банкларга берилган лизинг
- 15603 – Жисмоний шахсларга берилган лизинг
- 15605 – Якка тартибдаги тадбиркорларга берилган лизинг
- 15607 – Давлат корхона, ташкилот ва муассасаларига берилган лизинг
- 15609 – Чет эл капитали иштирокидаги корхоналарга берилган лизинг
- 15611 – Нодавлат нотижорат ташкилотларига берилган лизинг
- 15613 – Хусусий корхоналар, хўжалик ширкатлари ва жамиятларга берилган лизинг
- 15615 – Банк бўлмаган молиявий муассасаларга берилган лизинг
- 15617 – Муддати ўтган лизинг
- 15619 – Шартлари қайта кўриб чиқилган лизинг
- 15699 – Лизинг бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив)
- 15700 Суд жараёнидаги кредитлар ва лизинг**

- 15701 – Юридик шахсларга берилган суд жараёнидаги кредитлар
- 15703 – Жисмоний шахсларга берилган суд жараёнидаги кредитлар
- 15705 – Суд жараёнидаги лизинг
- 15799 – Суд жараёнидаги кредитлар ва лизинг бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив)
- 15800 **Қарам хўжалик жамиятларига, қўшма корхоналарга ва шўъба хўжалик жамиятларига қилинган инвестициялар**
- 15801 – Қарам хўжалик жамиятларига қилинган инвестициялар – Молиявий институтлар
- 15805 – Қарам хўжалик жамиятларига қилинган инвестициялар – Бошқалар
- 15809 – Қўшма корхоналарга қилинган инвестициялар – Молиявий институтлар
- 15813 – Қўшма корхоналарга қилинган инвестициялар – Бошқалар
- 15817 – Шўъба хўжалик жамиятларига қилинган инвестициялар – Молиявий институтлар
- 15821 – Шўъба хўжалик жамиятларига қилинган инвестициялар – Бошқалар
- 15899 – Қарам хўжалик жамиятларига, қўшма корхоналарга ва шўъба хўжалик жамиятларига қилинган инвестициялар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив)
- 15900 **Сўндириш муддатигача сақланадиган қарз қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар**
- 15901 – Давлат хазина векселлари
- 15905 – Давлат облигациялари
- 15909 – Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг облигация ва бошқа қарз қимматли қоғозлари
- 15911 – Еврооблигациялар
- 15913 – Корхоналарининг қарз қимматли қоғозлари
- 15979 – Бошқа қарз қимматли қоғозлар
- 15989 – Сўндириш муддатигача сақланадиган қарз қимматли қоғозларни харид қилиш бўйича харажатлар
- 15991 – Сўндириш муддатигача сақланадиган қимматли қоғозлар бўйича дисконт (контр-актив)
- 15993 – Сўндириш муддатигача сақланадиган қимматли қоғозлар бўйича мукофот
- 15999 – Сўндириш муддатигача сақланадиган қарз қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив)
- 16100 **Бош банк/филиаллардан олинадиган маблағлар**
- 16101 – Бош банк/ филиаллардан олинадиган маблағлар – Нақд пуллар
- 16102 – Бош банк/ филиаллардан олинадиган маблағлар – Нақдсиз маблағлар
- 16103 – Бош банк/ филиаллардан филиаллар ва банклараро ҳисоб-ки-

- тоблар бўйича олинадиганлар
- 16104 – Бош банк/ филиаллардан олинадиган маблағлар – Товар-моддий қимматликлар
- 16105 – Чет элдаги Бош банк/филиаллардан олинадиган маблағлар
- 16107 – Бош банк/ филиаллардан филиаллар ва банклараро ҳисоб-китоблар бўйича олинадиган маблағлар – Овердрафт
- 16109 – Бош банк/филиаллардан олинадиган маблағлар – Флоат
- 16300 Активлар бўйича ҳисобланган фоизлар**
- 16301 – Марказий банкдан олинган лозим бўлган ҳисобланган фоизлар
- 16303 – Бошқа банклардан олинган лозим бўлган ҳисобланган фоизлар
- 16305 – Олди-сотди қимматли қоғозлари бўйича ҳисобланган фоизлар
- 16307 – Сотишга мўлжалланган қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар бўйича ҳисобланган фоизлар
- 16309 – Кредитлар бўйича ҳисобланган фоизлар
- 16311 – Сўндириш муддатигача сақланадиган қарз қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар бўйича ҳисобланган фоизлар
- 16315 – Сотиб олинган векселлар бўйича ҳисобланган фоизлар
- 16319 – Мижозларнинг аккредитив ва/ёки траст ҳужжатлари билан кафолатланган тратта мажбуриятлари бўйича ҳисобланган фоизлар
- 16321 – Банкнинг тўланмаган акцептлари бўйича миқдор мажбуриятлари юзасидан ҳисобланган фоизлар
- 16323 – Лизинг бўйича ҳисобланган фоизлар (Молиявий ижара)
- 16397 – Мижозларнинг бошқа мажбуриятлари бўйича ҳисобланган фоизлар
- 16400 Ҳисобланган фоизсиз даромадлар**
- 16401 - Ҳисобланган воситачилик ҳақи ва кўрсатилган хизматлар учун тўловлар
- 16405 – Ҳисобланган жарима ва пенялар
- 16409 – Операцион ижара бўйича ҳисобланган даромад
- 16413 – Ҳисобланган бошқа фоизсиз даромадлар
- 16499 – Ҳисобланган фоизсиз даромадлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси(контр-актив)
- 16500 Асосий воситалар**
- 16501 – Ер
- 16505 – Тугалланмаган қурилишлар
- 16509 – Банкнинг иморатлари – Бинолар ва бошқа иморатлар
- 16511 – Бинолар ва бошқа иморатларнинг йиғилган эскириш суммаси (контр-актив)
- 16515 – Объектларни ижарага олиш ва уни такомиллаштириш ҳуқуқи
- 16519 – Объектларни ижарага олиш ва уни такомиллаштириш ҳуқуқи бўйича йиғилган эскириш суммаси (контр-актив)
- 16529 – Транспорт воситалари
- 16531 – Транспорт воситаларининг йиғилган эскириш суммаси (контр-актив)
- 16535 – Мебель, мослама ва жиҳозлар

- 16539 – Мебель, мослама ва жиҳозларнинг йиғилган эскириш суммаси (контр-актив)
- 16541 – Тўлов карточкалари билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш ускуналари
- 16543 – Тўлов карточкалари билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш ускуналарининг йиғилган эскириш суммаси (контр-актив)
- 16549 – Бошқаларга операцион ижарага берилган асосий воситалар
- 16551 – Бошқаларга операцион ижарага берилган асосий воситаларнинг йиғилган эскириш суммаси (контр-актив)
- 16561 Омбордаги асосий воситалар
- 16563 Омбордаги асосий воситаларнинг йиғилган эскириш суммаси (контр-актив)
- 16600 Номоддий активлар**
- 16601 – Номоддий активлар
- 16605 – Номоддий активларнинг йиғилган эскириш суммаси (контр-актив)
- 16609 – Ўрнатиш ва яратиш жараёнидаги номоддий активлар
- 16617 – Гудвилл
- 16699 – Ўрнатиш ва яратиш жараёнидаги номоддий активлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив)
- 16700 Банкнинг бошқа хусусий мулклари**
- 16701 – Кредит ва лизинг бўйича гаров ҳисобидан ундирилган мулк
- 16703 – Кредит ва лизинг бўйича ундирилган тугатилаётган банкрот корхоналар мулки
- 16705 – Банкнинг бошқа кўчмас мулклари
- 16709 – Кўчмас мулкка қилинган инвестиция
- 16713 – Кўчмас мулкка қилинган инвестициянинг йиғилган эскириш суммаси (контр-актив)
- 16799 – Банкнинг бошқа хусусий мулклари бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив)
- 16900 – Ҳосилавий инструментларнинг ревальвацияси натижасида ўзлаштирилмаган фойда**
- 16901 – Ревальвация натижасида ўзлаштирилмаган фойда – Форвард шартномалари
- 16905 – Ревальвация натижасида ўзлаштирилмаган фойда – Опционлар
- 16909 – Ревальвация натижасида ўзлаштирилмаган фойда – Фьючерслар
- 16913 – Ревальвация натижасида ўзлаштирилмаган фойда – Своплар
- 17100 Валюта савдоси ва валюта позициялари**
- 17101 – Валюта позицияси ҳисобварақлари
- 17300 Транзит ҳисобварақлари**
- 17301 – Транзит ҳисобварақлари
- 17305 – Аникланиш жараёнидаги трансакциялар
- 17500 Ҳукумат ҳисобварақлари**
- 17509 – Ҳукумат субсидиялари
- 17515 – Республика бюджетининг махсус харажатлари

19900 Бошқа активлар

- 19901 – Майда харажатлар
- 19903 – Инкассо қилинган пул тушумлари ва чеклар
- 19905 – Қайтарилган чеклар ва бошқа тўлов ҳужжатлари
- 19907 – Хизматлар учун олдиндан қилинган харажатлар
- 19908 – Банк ходимлари билан ҳисоб-китоблардаги олиними лозим бўлган маблағлар
- 19909 – Товар-моддий қимматликлар учун тўланган маблағлар
- 19911 – Олиними лозим бўлган маблағлар ҳисобварақлари бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив)
- 19919 – Почта ва ҳужжат маркалари
- 19921 – Омбордаги кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ҳамда бошқа қимматликлар
- 19925 – Олдиндан тўланган харажатлар
- 19929 – Бошқа муддати узайтирилган харажатлар
- 19931 – Муддати узайтирилган солиқлар
- 19933 – Муддати узайтирилган солиқлар бўйича баҳоланган захира (контр-актив)
- 19935 – Нақд пул бўйича камомадлар
- 19939 – Олинадиган дивидендлар
- 19941 – Тугатилган ва тугатилиш жараёнида бўлган банклардаги маблағлар
- 19945 – Тугатилган ва тугатилиш жараёнида бўлган банклардаги маблағлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив)
- 19949 – Ҳаракатсиз активлар
- 19995 – Суд жараёнидаги бошқа активлар
- 19997 – Бошқа активлар
- 19999 – Бошқа активлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив)

20000

МАЖБУРИЯТЛАР

20200 Талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлар

- 20202 – Ҳукуматнинг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлари
- 20203 – Республика қармоғидаги бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлари
- 20204 – Маҳаллий бюджет қармоғидаги бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлари
- 20205 – Бюджетдан ташқари фондларнинг талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлари
- 20206 – Жисмоний шахсларнинг талаб қилиб олингунча сақланадиган

- депозитлари
- 20207 – Республика йўл жамғармасининг талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлари
 - 20208 – Хусусий корхоналар, хўжалик ширкатлари ва жамиятларнинг талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлари
 - 20210 – Давлат корхона, ташкилот ва муассасаларининг талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлари
 - 20212 – Нодавлат нотижорат ташкилотларининг талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлари
 - 20214 – Чет эл капитали иштирокидаги корхоналарнинг талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлари
 - 20216 – Банк бўлмаган молиявий муассасаларнинг талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлари
 - 20218 – Якка тартибдаги тадбиркорларнинг талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлари
 - 20296 – Бошқа мижозларнинг талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлари
- 20400 Жамғарма депозитлар**
- 20402 – Ҳукуматнинг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича жамғарма депозитлари
 - 20403 – Республика қарамоғидаги бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича жамғарма депозитлари
 - 20404 – Маҳаллий бюджет қарамоғидаги бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича жамғарма депозитлари
 - 20405 – Бюджетдан ташқари фондларнинг жамғарма депозитлари
 - 20406 – Жисмоний шахсларнинг жамғарма депозитлари
 - 20408 – Хусусий корхоналар, хўжалик ширкатлари ва жамиятларнинг жамғарма депозитлари
 - 20410 – Давлат корхона, ташкилот ва муассасаларининг жамғарма депозитлари
 - 20412 – Нодавлат нотижорат ташкилотларининг жамғарма депозитлари
 - 20414 – Чет эл капитали иштирокидаги корхоналарнинг жамғарма депозитлари
 - 20416 – Банк бўлмаган молиявий муассасаларнинг жамғарма депозитлари
 - 20418 – Якка тартибдаги тадбиркорларнинг жамғарма депозитлари
 - 20496 – Бошқа мижозларнинг жамғарма депозитлари
- 20600 Муддатли депозитлар**
- 20602 – Ҳукуматнинг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича муддатли депозитлари
 - 20603 – Республика қарамоғидаги бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича муддатли депозитлари
 - 20604 – Маҳаллий бюджет қарамоғидаги бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича муддатли депозитлари
 - 20605 – Бюджетдан ташқари фондларнинг муддатли депозитлари
 - 20606 – Жисмоний шахсларнинг муддатли депозитлари

- 20608 – Хусусий корхоналар, хўжалик ширкатлари ва жамиятларнинг муддатли депозитлари
- 20610 – Давлат корхона, ташкилот ва муассасаларининг муддатли депозитлари
- 20612 – Нодавлат нотижорат ташкилотларининг муддатли депозитлари
- 20614 – Чет эл капитали иштирокидаги корхоналарнинг муддатли депозитлари
- 20616 – Банк бўлмаган молиявий муассасаларнинг муддатли депозитлари
- 20618 – Якка тартибдаги тадбиркорларнинг муддатли депозитлари
- 20696 – Бошқа мижозларнинг муддатли депозитлари
- 20800 Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг ҳисобварақлари**
- 20802 – ЎзР МБининг вакиллик ҳисобварағи – Востро
- 20806 – Банкнинг ЎзР МБидаги вакиллик ҳисобварағи – Ностро, овердрафт
- 20896 – ЎзР МБининг ҳисобварақлари – Депозитлар
- 21000 Бошқа банкларнинг ҳисобварақлари**
- 21002 – Бошқа банкларнинг вакиллик ҳисобварақлари – Востро
- 21006 – Банкнинг бошқа банклардаги вакиллик ҳисобварақлари – Ностро, овердрафт
- 21010 – Бошқа банкларнинг ҳисобварақлари – Депозитлар
- 21200 Бошқарув (менежер) чеклари**
- 21202 – Бошқарув (менежер) чеклари
- 21400 Банкнинг тўланмаган акцептлари**
- 21402 – Банкнинг тўланмаган маҳаллий акцептлари
- 21406 – Банкнинг тўланмаган хорижий акцептлари
- 21600 Олинган қисқа муддатли кредитлар**
- 21602 – Марказий банкдан олинган қисқа муддатли кредитлар
- 21605 – Бюджетдан ташқари фондлардан олинган қисқа муддатли кредитлар
- 21606 – Бошқа банклардан олинган қисқа муддатли кредитлар
- 21610 – Ҳукуматдан олинган қисқа муддатли кредитлар
- 21624 – Банк бўлмаган молиявий муассасалардан олинган қисқа муддатли кредитлар
- 21696 – Бошқа кредиторлардан олинган қисқа муддатли кредитлар
- 22000 Олинган узоқ муддатли кредитлар**
- 22002 – Марказий банкдан олинган узоқ муддатли кредитлар
- 22005 – Бюджетдан ташқари фондлардан олинган узоқ муддатли кредитлар
- 22006 – Бошқа банклардан олинган узоқ муддатли кредитлар
- 22010 – Ҳукуматдан олинган узоқ муддатли кредитлар
- 22024 – Банк бўлмаган молиявий муассасалардан олинган узоқ муддатли кредитлар
- 22096 – Бошқа кредиторлардан олинган узоқ муддатли кредитлар
- 22100 Лизинг (молиявий ижара) бўйича мажбуриятлар**

- 22102 Бошқа банклар олдидаги лизинг (молиявий ижара) бўйича мажбуриятлар
- 22104 Бошқа лизинг берувчилар олдидаги лизинг (молиявий ижара) бўйича мажбуриятлар
- 22200 Бош банк/филиалларга тўланадиган маблағлар**
- 22202 – Бош банк/филиалларга тўланадиган маблағлар – Нақд пуллар
- 22203 – Бош банк/филиалларга тўланадиган маблағлар – Нақдсиз маблағлар
- 22204 – Бош банк/филиалларга филиаллар ва банклараро ҳисоб-китоблар бўйича тўланадиган маблағлар
- 22205 – Бош банк/филиалларга тўланадиган маблағлар – Товар-моддий кимматликлар
- 22206 – Чет элдаги Бош банк/филиалларга тўланадиган маблағлар
- 22208 – Бош банк/филиалларга филиаллар ва банклараро ҳисоб-китоблар бўйича тўланадиган маблағлар – Овердрафт
- 22210 – Бош банк/ филиалларга тўланадиган маблағлар – Флоат
- 22300 РЕПО битимлари бўйича сотилган қимматли қоғозлар**
- 22302 – РЕПО битимлари бўйича ЎзРМБга сотилган қимматли қоғозлар
- 22304 – РЕПО битимлари бўйича бошқа банкларга сотилган қимматли қоғозлар
- 22306 – РЕПО битимлари бўйича ҳукуматга сотилган қимматли қоғозлар
- 22308 – РЕПО битимлари бўйича жисмоний шахсларга сотилган қимматли қоғозлар
- 22310 – РЕПО битимлари бўйича якка тартибдаги тадбиркорларга сотилган қимматли қоғозлар
- 22312 – РЕПО битимлари бўйича чет эл капитали иштирокидаги корхоналарга сотилган қимматли қоғозлар
- 22314 – РЕПО битимлари бўйича давлат корхона, ташкилот ва муассасаларига сотилган қимматли қоғозлар
- 22316 – РЕПО битимлари бўйича хусусий корхоналар, хўжалик ширкатлари ва жамиятларга сотилган қимматли қоғозлар
- 22396 – РЕПО битимлари бўйича бошқа кредиторларга сотилган қимматли қоғозлар
- 22400 Тўланиши лозим бўлган ҳисобланган фоизлар**
- 22402 – Талаб қилиб олунгунча сақланадиган депозитлар бўйича ҳисобланган фоизлар
- 22403 – Жамғарма депозитлар бўйича ҳисобланган фоизлар
- 22405 – Муддатли депозитлар бўйича ҳисобланган фоизлар
- 22406 – Марказий банк ҳисобварақлари бўйича ҳисобланган фоизлар
- 22407 – Бошқа банкларнинг ҳисобварақлари бўйича ҳисобланган фоизлар
- 22408 – Лизинг (молиявий ижара) бўйича ҳисобланган фоизлар
- 22410 – Олинган кредитлар бўйича ҳисобланган фоизлар

- 22412 – Бошқа мажбуриятлар бўйича ҳисобланган фоизлар
- 22414 – Чиқарилган қимматли қоғозлар бўйича ҳисобланган фоизлар
- 22500 Ҳисобланган солиқлар**
- 22502 – Ҳисобланган даромад(фойда) солиқлари
- 22504 – Ҳисобланган бошқа солиқлар
- 22506 – Тўлаш учун ушлаб қолинган солиқлар
- 22508 – Муддати узайтирилган солиқлар
- 22510 – Нафақа (пенсия) фонди билан ҳисоб-китоблар
- 22512 – Бандлик фонди ва бошқа фондлар билан ҳисоб-китоблар
- 22600 Мижозларнинг бошқа депозитлари**
- 22602 – Мижозларнинг аккредитивлар бўйича депозитлари
- Мижозларнинг бошқа депозитлари – Жамғарма – Мақсадли
- Мижозларнинг импорт билан боғлиқ тратта ва\ёки траст ҳужжатлари билан кафолатланган аккредитивлар бўйича депозитлари
- 22608 – Мижозларнинг қимматли қоғозлар билан бўладиган операциялар бўйича маблағлари
- 22610 – Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги
- 22612 – Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги орқали амалга ошириладиган ўтказмалар
- 22614 – Мижозларнинг валюта бозорида конвертация қилинган маблағлари
- 22618 – Жисмоний шахсларнинг пластик карточкалари бўйича мажбуриятлар
- 22620 – Корпоратив пластик карточкалар бўйича мажбуриятлар
- 22622 – Юридик шахсларнинг ўз ваколатхоналари ва филиаллари таъминоти учун ажратган маблағлари
- 22624 – Савдо корхоналарининг мақсадли маблағлари
- 22626 – Корхона ва ташкилотларнинг мақсадли маблағлари
- 22628 – Фуқароларнинг шахсий жамғарма пенсия ҳисобварағидаги маблағлари
- 22696 – Бошқа депозит мажбуриятлари
- 22800 Хосилавий инструментлар бўйича ревальвация натижасида амалга ошмаган зарарлар ва бошқа муддати узайтирилган даромадлар**
- 22802 – Форвард шартномаси бўйича ревальвация натижасида амалга ошмаган зарарлар
- 22806 – Опционлар бўйича ревальвация натижасида амалга ошмаган зарарлар
- 22810 – Фьючерслар бўйича ревальвация натижасида амалга ошмаган зарарлар
- 22811 – Своплар бўйича амалга ошмаган зарарлар
- 22812 – Келгуси давр фоизли даромадлари
- 22896 – Бошқа муддати узайтирилган даромадлар
- 23200 Клиринг трансакциялари**

- 23202 – Клиринг трансакциялари
- 23204 – Бир марталик ўзаро ҳисоб-китоблар учун бюджет маблағлари
- 23206 – Аниқланиш жараёнидаги трансакциялар
- 23208 – Молия вазирлиги фондлари билан бўладиган клиринг трансакциялари
- 23210 – Молия вазирлиги фондларидан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари учун ажратилган мақсадли маблағлар
- 23212 – Республика бюджетининг мақсадли ҳисоб-китоблар учун маблағлари
- 23214 – Маҳаллий бюджетларнинг юқори молия органлари билан бўладиган ўзаро ҳисоб-китоблар учун маблағлари
- 23216 – Қишлоқ хўжалиги техникаси билан таъминлашни рағбатлантириш Фонди маблағлари
- 23218 – Молия вазирлиги фондидан ажратилган мақсадли маблағлар
- 23220 – Молия вазирлиги фондидан олинган мақсадли маблағлар
- 23222 – Молия вазирлиги фондининг мақсадли маблағлари
- 23224 – Хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги ўзаро бир марталик ҳисоб-китоблар учун бюджет маблағлари
- 23226 – Республика бюджетининг экспортчи-корхоналар билан бўладиган мақсадли ҳисоб-китоблар учун маблағлари
- 23228 – Республика бюджетининг пудратчи ташкилотлар билан бўладиган мақсадли ҳисоб-китоблар учун маблағлари
- 23400 Ҳукуматга тегишли даромад ва бошқа тушумлар ҳисобварақлари**
- 23402 – Республика бюджетининг маблағлари
- 23403 – Божхона тўловлари бўйича Республика бюджетининг даромадлари
- 23404 – Республика қармоғидаги бюджет муассасаларининг маблағлари
- 23405 – Нобюджет ташкилотлар ва корхоналар учун республика бюджетидан ажратилган маблағлар
- 23406 – Ҳукумат кредитлари бўйича фоизли даромадлар
- 23407 – Ягона ер солиғи бўйича Республика бюджетининг даромадлари
- 23409 – Ер ва ягона ер солиқлари бўйича Республика бюджетининг даромадлари
- 23410 – Ҳукумат субсидиялари фонди
- 23416 – Махсус мақсадлар фонди
- 23422 – Капитал қўйилмаларни республика бюджетидан молиялаштириш
- 23424 – Капитал қўйилмаларни маҳаллий бюджетлардан молиялаштириш
- 23426 – Маҳаллий бюджет маблағлари – Туман/шаҳар
- 23427 – Нобюджет ташкилотлар ва корхоналарнинг туман/шаҳар бюджетидан ажратилган маблағлари

- 23430 – Маҳаллий бюджет маблағлари – Вилоят
- 23431 – Нобюджет ташкилотлар ва корхоналарнинг вилоят бюджетидан ажратилган маблағлари
- 23432 – Маҳаллий бюджет маблағлари – Қорақалпоғистон Республикаси
- 23433 – Нобюджет ташкилотлар ва корхоналарнинг Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан ажратилган маблағлари
- 23442 – Инвестиция дастурларини молиялаштириш учун давлат бюджетидан ва марказлашган кредитлар ҳисобидан ажратилган бўнак маблағлар

23600 Банк томонидан чиқарилган қимматли қоғозлар

- 23602 – Чиқарилган облигациялар
- 23604 – Чиқарилган жамғарма сертификатлари
- 23606 – Чиқарилган депозит сертификатлари
- 23608 – Чиқарилган векселлар
- 23610 – Чиқарилган бошқа қимматли қоғозлар
- 23696 – Чиқарилган қимматли қоғозлар бўйича мукофот (премия)
- 23698 – Чиқарилган қимматли қоғозлар бўйича дисконт (контр-пассив)

29800 Бошқа мажбуриятлар

- 29801 – Мижозлар билан ҳисоб-китоблар
- 29802 – Товар – моддий қимматликлар ва кўрсатилган хизматлар учун тўланадиган маблағлар
- 29803 – Банк ходимлари билан ҳисоб-китоблардаги тўланиши лозим бўлган маблағлар
- 29804 – Бошқа банк миждозларининг инкассо қилинган пул тушумлари ва чеклари
- 29805 – Ижара (операцион ижара) бўйича тўланиши лозим бўлган маблағлар
- 29806 – Тўлаш учун ҳисобланган бошқа фоизсиз харажатлар
- 29808 – Лицензия бадаллари бўйича ҳисобланган маблағлар
- 29816 – Ортикча нақд пул
- 29822 – Тўланиши лозим бўлган дивидендлар
- 29826 – Акциялар учун обуна маблағини тўлаш – Хусусий капитални инвестиция қилиш
- 29830 – Акциялар учун обуна маблағини тўлаш бўйича депозитлар
- 29840 – Молия вазирлигига ўтказиладиган талаб қилиб олинмаган депозитлар
- 29842 – Ҳаракатсиз депозит мажбуриятлари
- 29846 – Талаб қилиб олинмаган бошқа кредит қолдиқлари
- 29896 – Бошқа мажбуриятлар

30000

ХУСУСИЙ КАПИТАЛ

30300 Устав капитали

- 30303 – Имтиёзли акциялар учун обуна маблағининг тўланмаган қис-

- ми (контр-пассив)
- 30306 – Оддий акциялар учун обуна маблағининг тўланмаган кисми (контр-пассив)
- 30309 – Рўйхатдан ўтказилган устав капитали – Имтиёзли
- 30312 – Рўйхатдан ўтказилган устав капитали – Оддий
- 30315 – Чиқарилган устав капитали – Имтиёзли
